2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 210 (1809), 2026 йил 10 октябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 7-9 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.





Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида иштирок этди.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов раислигида ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳамда МДҲ бош котиби Сергей Лебедев ҳам қатнашдилар.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида барчани қутлуғ сана — Ҳамдўстликнинг 35 йиллиги билан табриклаб, юз бераётган ўзгаришларга қарамай, мамлакатларимиз ва халқларимизни яқин инсоний муносабатлар, умумий тарих ва ҳамкорликнинг улкан салоҳияти боғлаб келаётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда дунё тубдан ўзгармоқда. Зиддиятлар ортиб бормоқда, одатий иқтисодий алоқалар қайта қурилмоқда. Бундай вазиятда ишончни мустаҳкамлаш, позицияларни тез-тез уйғунлаштириб бориш ва келишувларимизнинг реал натижа беришига эришиш айниқса муҳимдир, — деди Ўзбекистон Президенти.

Иқтисодий интеграция ва ишлаб чиқариш кооперацияси барқарорлик ва тараққиётнинг асосий пойдеворларидан бири бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Савдо-инвестициявий шерикликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда оддий товар айирбошлашдан қўшилган қийматнинг тўлиқ занжирларини биргаликда яратишга босқичма-босқич ўтиш зарурлиги қайд этилди.

Давоми 2-бетда

БУЮК БРИТАНИЯ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Ўзбекистон — Британия иқтисодий қўмитасининг иккинчи йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Буюк Британиянинг савдо бўйича давлат вазири, лорд Анас Сарварни қабул қилди.

Суҳбат аввалида лорд Сарвар давлатимиз раҳбарига Буюк Британия Бош вазири Энди Бёрнэмнинг самимий саломи ва махсус мактубини етказди.

Ўзаро манфаатли шерикликни, аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот жадал ривожланаётгани, барча даражалардаги алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда. Мамлакатимизда 260 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Лондон фонд биржасида Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг илк IPOси муваффақиятли амалга оширилди. Молия соҳасида “Standard Chartered” банки, нефть-газ тармоғида эса “British Petroleum” компанияси фаол иш олиб бормоқда.

Учта қўшма олий таълим муассасаси ташкил этилди, Кембриж университети билан ҳамкорликда Президент мактаблари ишга туширилди. Британиялик сайёҳлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Инфратузилмани ривожлантириш, энергетика, молия, геология, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда янги лойиҳаларни илгари суриш, буни, жумладан, Британия экспортни молиялаштириш агентлиги (UKEF) иштирокида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Буюк Британия томони Тошкент шаҳрида “инглиз ҳуқуқи” тамойиллари асосида ишлайдиган Халқаро молия маркази фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

Учрашув якунида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА

ФАРОВОНЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

ёхуд барқарор даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни жиловлаш сири

Кечаётган шиддатли янгиланишлар ҳисобига қўлга киритилаётган оламшумул ютуқлар, тарихий натижалар юртдошларимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини ҳам оширмоқда.

Камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ислоҳотлар ва эришилаётган натижалар кўрсатяптики, Ўзбекистон жуда қисқа даврда айни йўналиш бўйича дунёга намуна бўла оладиган даражадаги миллий тажриба ярата олди. Пировардида анъанавий ижтимоий ёрдам бериш ёндашувидан фарқли ўлароқ, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, касб-ҳунарга ўқитиш ва манзилли кўмаклашиш воситасида барқарор даромад манбаини яратишга асосланган тажриба орқали камбағалликни кескин камайтиришга эришди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Сердар Гурбангулиевич!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Аввало, самимий қабул ва саммитни аъло даражада ташкил этгани учун Туркманистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

“Аваза” миллий сайёҳлик зонасининг гўзал қиёфаси Туркманистон жадал суръатлар билан ривожланаётганини ҳар сафар яққол намойиш этади.

Ашхободнинг МДҲда сермаҳсул кечган муваффақиятли раислиги алоҳида эътирофга сазовордир.

Барчангизни қутлуғ сана — Ҳамдўстликнинг 35 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Ана шу даврда мамлакатларимизда ҳам, дунёда ҳам кўп нарсалар ўзгарди. Аммо энг асосий масала бўлган ҳолат ўзгармасдан қолди: бизни яқин инсоний муносабатлар, умумий тарих ва ҳамкорликнинг улкан салоҳияти боғлаб келмоқда. Бугун улардан халқларимизнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш муҳимдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги кунда дунё тубдан ўзгармоқда. Зиддиятлар ортиб, одатий иқтисодий алоқалар қайта қурилмоқда.

Бундай вазиятда ишончни мустаҳкамлаш, позицияларни тез-тез уйғунлаштириб бориш ва келишувларимизнинг реал натижа беришига эришиш айниқса муҳимдир.

Мамлакатларимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий интеграция ва ишлаб чиқариш кооперацияси барқарорлик ҳамда тараққиётнинг асосий пойдеворларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис, биз давлатларимизнинг умумий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва савдо-инвестиция соҳасидаги шерикликни янги босқичга олиб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Оддий товар айирбошлашдан қўшилган қийматнинг тўлиқ занжирларини биргаликда яратишга босқичма-босқич ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бу шуни англатадики, биз биргаликда ишлаб чиқаришимиз, инвестиция киритишимиз ва маҳсулотларимизни ташқи бозорларга олиб чиқишимиз зарур.

Айнан шундай кооперация энг катта натижани беради — янги корхоналар, янги иш ўринлари ва фуқароларнинг даромадлари ўсишини таъминлайди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни қаратишимиз керак бўлган бир қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтмоқчиман.

Аввало, Эркин савдо зонасининг чекловларсиз тўлиқ фаолият юритишини таъминлаш зарур.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Сердар Гурбангулиевич!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Учрашувимизнинг барча иштирокчиларини яна бир бор қутлашдан мамнунман.

Аввало, Туркманистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга ушбу масканда бизни доимо самимий кутиб олаётгани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Мажлисимизнинг фахрий меҳмони — Эрон Ислом Республикаси Президенти, ҳурматли Масъуд Пезешкиён жаноблари-ни қутлайман.

Ўзбекистон Республикасининг 2027 йилда МДҲга раислик қилиши тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлаганлари учун ҳам барча ҳамкасбларимга ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Ҳамдўстликда раислик қилиш биз учун, аввало, умумий ишимизга ўз ҳиссамизни қўшиш, янги ғояларни таклиф этиш ҳамда бугунги кунда мамлакатларимиз учун чиндан ҳам муҳим бўлган йўналишларни биргаликда ривожлантириш имконияти демакдир.

Келгуси йили аниқ ва сезиларли натижа берадиган масалаларни эътибор марказига қўйиш ниятидамиз. Булар — иқтисодиёт, янги технологиялар, транспорт, хавфсизлик, таълим, илм-фан ва инсон салоҳиятини ривожлантиришдир.

Биз Ўзбекистоннинг раислиги учун белгиланган “МДҲ — ишонч ва умумий тараққиёт макони” деган шиорда айнан ушбу ёндашувни мужассам этдик. Бугунги кунда Раислик концепцияси ва Тадбирлар режаси устидаги ишларни якунламоқдамиз. Уларда ҳозирнинг ўзида юздан ортиқ аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Мазкур дастур оддий ташаббуслар рўйхати бўлиб қолмаслиги биз учун муҳимдир. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ қадамлар, муддатлар ва биз биргаликда эришадиган натижа бўлиши керак.

Раислигимиз даврида айнан мана шундай амалий ишларга эътибор қаратишни хоҳлаймиз.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳамдўстлик доирасидаги сиёсий мулоқотга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бугун дунёда вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтда ҳар қандай масалани хотиржам муҳокама қилиш, бир-биримизни тинглаш ҳамда барчамизга мақбул бўлган ечимларни излаш имкониятини сақлаб қолиш ўта муҳимдир.

Яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва англашув мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асоси бўлиб қолади ва бу пойдеворни мустаҳкамлаш лозим.

Иқтисодиётда асосий эътиборни саноат кооперациясига қаратишни таклиф этамиз. Мамлакатларимиз салмоқли ишлаб чиқариш имкониятлари, ресурслар, технологиялар ва бозорларга эга. Агар ана шу салоҳиятимизни бирлаштирсак, қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратсак ва барқарор етказиб бериш занжирларини йўлга қўйсак, барча иштирокчилар учун натижа янада сезиларли бўлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг 2027 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги даврида устувор аҳамиятга эга бўладиган йўналишларни баён қилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 10 октябрь, 210-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Биз учун техник тўсиқларни бартараф этиш, мувофиқлик сертификатлари ўзаро тан олинишини таъминлаш ва давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ғоятда муҳим.

Мамлакатларимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ва халқларимиз фаровонлигига бевосита таъсир қиладиган яна бир масала бу — озиқ-овқат хавфсизлигидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича давлат харидлари соҳасида ўзаро бозор очишни кенгайтириш тўғрисидаги битим, шунингдек, Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастури тез фурсатларда келишиб олиниши ва тасдиқланишига умид қиламиз.

Шунингдек, бозорларимиздаги вазиятни олдиндан прогноз қилишни муҳим деб ҳисоблайман. Бунинг учун озиқ-овқат ва ўғитлар экспортига чекловлар киритишдан олдин ўзаро хабардор қилиш ва маслаҳатлашиш механизмини жорий этишни таклиф қиламиз. Бу эҳтимолий хатарларни олдиндан тушуниш ҳамда бир мамлакатнинг қарори бошқа давлатлар бозорларига кутилмаганда таъсир кўрсатиши билан боғлиқ вазиятларнинг олдини олиш имконини беради.

Навбатдаги муҳим йўналиш саноат соҳасидаги имкониятларимизни бирлаштириш ва ўзаро инвестицияларни кенгайтиришни назарда тутади.

Тошкентда ўтказилган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” кўргазмаси ва бешинчи Халқаро инвестиция форуми бизнес вакиллари биргаликда ишлашга юқори даражада қизиқаётганини яна бир бор намойиш этди. Бу қизиқишни янги имкониятлар яратиш билан қўллаб-қувватлаш зарур.

Махсус иқтисодий зоналарга алоҳида эътибор қаратишни таклиф қиламиз. Бизнинг мақсадимиз Ҳамдўстлик давлатларининг фаолият кўрсатиб турган махсус иқтисодий зоналари ва саноат паркларини ягона тармоққа боғлашдан иборат. Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “йўл харитаси” тез фурсатда келишиб олинишига умид қиламиз.

Мамлакатларимизнинг транспорт жиҳатдан боғлиқлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Интеграциялашган логистика марказларини ташкил этиш, транзит харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, юк ташиш қоидаларини бирхиллаштириш ҳамда МДҲда ягона транспорт ахборот тизимини шакллантириш тарафдоримиз.

Туркман дўстларимизнинг 2029 йилни Ҳамдўстликнинг транспорт боғлиқлиги йили деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Энергетика хавфсизлиги ҳам жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун бизга минтақанинг энергетик жиҳатдан боғлиқлигини яқин ўн йилликларда ривожлантириш бўйича узоқ муддатли прогноз зарур. Бу эса энергиянинг мавсумий ортиқчалиги ва тақчиллиги қаерда ва қачон юзага келиши, қайси тармоқларни ривожлантириш зарурлиги ҳамда гидроэнергетика, иссиқлик генерацияси ва қайта тикланувчи манбаларни қандай қилиб энг самарали тарзда уйғунлаштириш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши лозим.

Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, биз МДҲ энергетика секторини инновацион ривожлантириш дастури ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдик.

Барчамиз учун умумий бўлган яна бир хавф-хатар иқлим ўзгариши билан боғлиқ.

Бу борада мувофиқлаштирилган ва амалий қарорлар зарур. Биз кам углеродли технологияларни жадал жорий этиш ва ёпиқ циклдаги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш учун МДҲнинг ресурслардан самарали фойдаланиш ва айланма иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Маданий-гуманитар алоқалар халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлашнинг кучли пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Биз Давлатлараро гуманитар ҳамкорлик жамғармаси форматини кенгайтириш орқали мазкур йўналишни янада ривожлантириш учун яхши имкониятларни кўрмоқдамиз.

Бугунги кунда янги технологиялар таъсирида тез ўзгариб, замонавий иқтисодиётнинг мустақил ҳамда сезиларли қисмига айланиб бораётган ижодий индустрияларга алоҳида эътибор қаратишни таклиф қиламиз.

Шу муносабат билан “Маданий сиёсат ва креатив индустриялар” форумини ташкил этишни таклиф этамиз.

Шу кунларда қадимий Хива шаҳри МДҲ Ёшлар форумини қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Ишончим комил, ушбу анжуман ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун майдон бўлиб хизмат қилади.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Замонавий хавф-хатарлар ҳақида сўз кетганда, бутун дунёда кўлами жадал ўсиб бораётган муаммо — кибержиноятчилик борасида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган фирибгарлик аллақачон фуқаролар ва бизнесга жиддий зарар етказиб, мамлакатларимиз молия тизимларининг барқарор ишлашига хавф туғдирмоқда.

Шу боис, Ички ишлар вазирлари кенгашига қисқа муддатда трансчегаравий кибержиноятлар ва фирибгарлик схемаларига тезкор жавоб бериш учун МДҲ Қўшма алоқа марказини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топшириш таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Келгуси йилда Ўзбекистон МДҲга раисликни қабул қилади.

Ҳамдўстликни янада мустаҳкамлаш ва фуқароларимиз ҳис этадиган аниқ натижаларга эришиш учун яқин ҳамкорлик қилишга бел боғлаганмиз.

Сизларни Кенгашнинг келгуси йили Бухорода ўтказилиши режалаштирилаётган навбатдаги мажлисига таклиф этаман.

Сўзимнинг якунида Туркманистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга меҳмондўстлик ҳамда саммитни юқори даражада ташкил этгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Бугун эришилган келишувлар ўзининг амалий тасдиғини топади, ҳамкорлигимиз эса бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилади деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шунинг учун биз саноат кооперациясини ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар учун шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу билан бирга, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиққа ҳамон халақит бериб келаётган тўсиқларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши рақамли технологиялар билан боғлиқ. Биз улардан бизнесда фойдаланишни кенгайтириш, электрон тижоратни ривожлантиришни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу жараёнда фақат ҳозирнинг ўзида ҳам яхши ривожланган соҳалар билан чекланиб қолмаслик керак. Олдинга қадам ташлаш ва яқин йилларда мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўладиган соҳаларда биргаликда ишлаш зарур.

Бу ўринда сўз муҳим минераллар, сунъий интеллект, роботлаштириш, янги материаллар ва замонавий энергетика технологиялари соҳалари ҳақида бормоқда. Айнан шу соҳалар бугунги кунда ўз компетенцияларимиз ҳамда қўшма лойиҳаларни яратган ҳолда, ортда қолиб кетмаслигимиз муҳим бўлган йўналишлардир.

Раислигимизнинг яна бир муҳим йўналиши транспорт билан боғлиқ.

Марказий Осиё бугунги кунда Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим транспорт тугунига айланиб бормоқда. Биз ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Бунинг учун транзит тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда қулай, хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган йўналишларни яратиш муҳимдир.

Биз Марказий Осиё транспорт тармоғи МДҲ мақонида ва унинг ташқарисидаги умумий алоқалар тизимининг муҳим қисмига айланишидан манфаатдормиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Хавфсиз ва барқарор муҳитсиз на иқтисодиёт, на савдо, на йирик қўшма лойиҳалар бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун раислигимиз даврида айни йўналиш ҳам энг муҳим соҳалардан бири бўлиб қолади.

Биз МДҲнинг соҳавий органлари ишини ва мамлакатларимизнинг умумий таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ўринда сўз терроризм, экстремизм ва кибержиноятчилик ҳақида бормоқда.

Бу таҳдидларнинг барчаси аллақачон алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб кетган.

Айниқса, бугунги кунда кибержиноятчилик тез кучаймоқда. У оддий фуқаролар, бизнес вакиллари, банклар, давлат тизимларига дахл қилмоқда ва шу боис, доимий эътиборни ҳамда мамлакатларимиз ўртасида яқин ҳамкорликни талаб этади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳамдўстликнинг келажаги ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатларимизни инсонлар боғлаб туришини ҳам ёдда тутишимиз муҳим. Бу инсонлар ўртасида бир неча ўн йиллар давомида шаклланган ришталардир. Айнан мана шу алоқалар кўп жиҳатдан муносабатларимизнинг барқарорлигини белгилайди.

Шунинг учун талабалар, ёш мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар ва ижодий касб эгаларининг ўзаро мулоқот қилиши, бир-биридан ўрганиши ҳамда биргаликда ишлаши учун кўпроқ имкониятларга эга бўлиши муҳим.

Бу, айниқса, ёшларга тааллуқли. Зеро, Ҳамдўстлик келгусида қандай бўлишини айнан ёш авлод белгилайди.

Мамлакатларимиз улкан инсоний ва интеллектуал салоҳиятга эга. Ушбу салоҳият замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, инновациялар ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган шароитларни яратиши зарур.

Бутун фаолиятимиз марказида инсон, унинг қадр-қиммати, манфаат ва имкониятларини рўёбга чиқариб туриши керак. Фақат ана шундагина МДҲ таълим олиш, меҳнат қилиш, янги лойиҳалар яратиш, шериклар топиш ва ўз келажагини қуриш мумкин бўлган макон сифатида қабул қилинади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Биз раислигимиздан ўз самарадорлигини исботлаган барча ютуқларни сақлаб қолиш ва шу билан бирга, бугунги кунда янги ечимлар топиш зарур бўлаётган йўналишлар ривожига қўшимча суръат бағишлаш учун фойдаланиш ниятидамиз.

Пировардида фақат қабул қилинган ҳужжатлар ва келишувлар эмас, балки келгусида ҳам наф келтирадиган аниқ натижаларга эришиш муҳимдир.

Бу ишда Ҳамдўстликнинг барча давлатлари қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Сўзимнинг якунида ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга меҳмондўстлик ҳамда учрашувимизни ажойиб тарзда ташкил этгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Шундан сўнг мамлакатимиз етакчиси биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қаратиш керак бўлган қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, техник тўсиқларни бартараф этиш, мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олинишини таъминлаш ва давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали Эркин савдо зонасининг чекловларсиз тўлиқ фаолият юритишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиётлар барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда озиқ-овқат хавфсизлиги алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича давлат харидлари соҳасида ўзаро бозор очишни кенгайтириш тўғрисидаги битимни ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурини тез фурсатларда келишиб олиниши ва тасдиқланиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Мамлакатлар бозорларидаги вазиятни олдиндан прогноз қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида озиқ-овқат ва ўғитлар экспортига чекловлар киритишдан олдин ўзаро хабардор қилиш ва маслаҳатлашиш механизмини жорий этиш таклиф қилинди.

Саноат соҳасидаги имкониятларни бирлаштириш ва ўзаро инвестициялар ҳажмини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бизнес вакилларининг ҳамкорликда ишлашдан манфаатдорлиги юқори экани, буни янада ривожлантириш мақсадида махсус иқтисодий зоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “йўл харитаси” тез фурсатда келишиб олиниши зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз транспорт жиҳатдан боғлиқлик масаласига алоҳида тўхталиб, интеграциялашган логистика марказларини ташкил этиш, транзит харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, юк ташиш қоидаларини бирхиллаштириш ҳамда МДҲда ягона транспорт ахборот тизимини шакллантириш тарафдори эканини билдирди ҳамда Туркманистон томонининг 2029 йилни Ҳамдўстликнинг транспорт боғлиқлиги йили деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида яқин ўн йилликларга мўлжалланган узоқ муддатли прогнозга эҳтиёж юқори экани таъкидланди.

— Бу эса энергиянинг мавсумий ортиқчалиги ва тақчиллиги қаерда ва қачон юзага келиши, қайси тармоқларни ривожлантириш зарурлиги ҳамда гидроэнергетика, иссиқлик генерацияси ва қайта тикланувчи манбаларни қандай қилиб энг самарали тарзда уйғунлаштириш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди.

— Бу борада мувофиқлаштирилган ва амалий қарорлар зарур. Биз кам углеродли технологияларни жадал жорий этиш ва ёпиқ циклдаги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш тарафдоримиз, — деди Президентимиз.

Саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун МДҲнинг ресурслардан самарали фойдаланиш ва айланма иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Маданий-гуманитар алоқалар Ҳамдўстлик мамлакатлари ва халқлари ўртасида ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Давлатлараро гуманитар ҳамкорлик жамғармаси форматини кенгайтириш орқали бу йўналишни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда янги технологиялар таъсирида тез ўзгариб, замонавий иқтисодиётнинг мустақил ва муҳим тармоғига айланиб бораётган ижодий индустрияларга алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Шу муносабат билан “Маданий сиёсат ва креатив индустриялар” форумини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Замонавий хавф-хатарлар қаторида бутун дунёда кўлами жадал ўсиб бораётган кибержиноятчилик муаммоси алоҳида қайд этилди.

— Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган фирибгарлик аллақачон фуқаролар ва бизнесга жиддий зарар етказмоқда, мамлакатларимиз молия тизимларининг барқарор ишлашига хавф туғдирмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлари кенгашига қисқа муддатда трансчегаравий кибержиноятлар ва фирибгарлик схемаларига тезкор жавоб бериш учун МДҲ Қўшма алоқа марказини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топшириш таклиф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида Ўзбекистон келгуси йили МДҲга раисликни қабул қилишга ва Ҳамдўстликни ривожлантириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Шунингдек, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовга меҳмондўстлик ҳамда саммитни юксак савияда ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Йиғилиш давомида Ҳамдўстликка аъзо бошқа мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити мажлисининг фахрий меҳмони — Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг 2027 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги даврида устувор аҳамиятга эга бўладиган йўналишларни баён қилди.

Давлатимиз раҳбари раислик тўғрисидаги қарор қўллаб-қувватлангани ва умумий ишга ҳисса қўшиш, янги ғояларни таклиф этиш ва бугунги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари учун чиндан ҳам муҳим бўлган йўналишларни биргаликда ривожлантириш имконияти учун барча ҳамкасбларига миннатдорлик билдирди.

— Биз келгуси йили аниқ ва сезиларли натижа берадиган масалаларни эътибор марказига қўйиш ниятидамиз. Булар — иқтисодиёт, янги технологиялар, транспорт, хавфсизлик, таълим, илм-фан ва инсон салоҳиятини ривожлантиришдир, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ушбу ёндашув Ўзбекистоннинг раислиги учун белгиланган “МДҲ — ишонч ва умумий тараққиёт макони” деган шиорда ўз ифодасини топди.

Айни пайтда Раислик концепцияси ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ишлари якунланмоқда. Уларда юздан ортиқ аниқ тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон раислиги давридаги устувор йўналишлар ва амалий ҳамкорлик механизмлари тақдим этилди.

Ҳамдўстлик доирасидаги сиёсий мулоқотга алоҳида эътибор қаратилади.

— Бугун дунёда вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтда ҳар қандай масалани хотиржам муҳокама қилиш, бир-биримизни тинглаш ҳамда барчамизга мақбул бўлган ечимларни излаш имкониятини сақлаб қолиш ўта муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари.

МДҲ мамлакатлари салмоқли ишлаб чиқариш салоҳияти, ресурслар, технологиялар ва бозорларга эга эканини инобатга олиб, иқтисодиёт соҳасида асосий эътиборни саноат кооперациясига қаратиш таклиф этилди.

— Агар бу салоҳиятимизни бирлаштирсак, қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратсак ва барқарор етказиб бериш занжирларини йўлга қўйсак, барча иштирокчилар учун натижа янада сезиларли бўлади, — деди Президентимиз.

Бу борада мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиққа халақит бериб келаётган тўсиқларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли технологиялар билан боғлиқ йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунда фақат ҳозирнинг ўзида ҳам яхши ривожланган соҳалар билан чекланиб қолмаслик муҳимлиги таъкидланди.

— Олдинга қадам ташлаш ва яқин йилларда мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўладиган соҳаларда биргаликда ишлаш зарур. Бу ўринда сўз муҳим минераллар, сунъий интеллект, роботлаштириш, янги материаллар ва замонавий энергетика технологиялари соҳалари ҳақида бормоқда. Айнан шу соҳалар бугунги кунда ўз компетенцияларимиз ҳамда қўшма лойиҳаларни яратган ҳолда, ортда қолиб кетмаслигимиз муҳим бўлган йўналишлардир, — деди Ўзбекистон Президенти.

Раисликнинг яна бир устувор йўналиши сифатида транспорт соҳаси белгиланди. Марказий Осиё Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим транспорт тугунига айланиб бораётгани таъкидланди.

— Биз ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Бунинг учун транзит тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда қулай, хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган йўналишларни яратиш муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раислиги даврида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳам ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади.

— Биз МДҲнинг соҳавий органлари ишини ва мамлакатларимизнинг умумий таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ўринда сўз терроризм, экстремизм ва кибержиноятчилик ҳақида бормоқда. Бу таҳдидларнинг барчаси аллақачон алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб кетган, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда оддий фуқаролар, бизнес вакиллари, банклар, давлат тизимларига бевосита дахл қилиб, тез кучайиб бораётган кибержиноятчиликка қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилади.

Энг устувор йўналиш сифатида инсонлар ўртасидаги алоқалар кўрсатиб ўтилди. Айнан мана шу ришталар кўп жиҳатдан давлатлараро муносабатларнинг барқарорлигини белгилайди.

Талабалар, ёш мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар ва ижодий касб эгаларининг ўзаро мулоқот қилиши, бир-биридан ўрганиши ҳамда биргаликда ишлаши учун мавжуд имкониятларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

— Бутун фаолиятимиз марказида инсон, унинг қадр-қиммати, манфаат ва имкониятларини рўёбга чиқариб туриши керак. Фақат ана шундагина МДҲ таълим олиш, меҳнат қилиш, янги лойиҳалар яратиш, шериклар топиш ва ўз келажагини қуриш мумкин бўлган макон сифатида қабул қилинади, — дея алоҳида таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Якунда Ўзбекистоннинг МДҲга раислиги даврида ўз самарадорлигини исботлаган барча ютуқларни сақлаб қолиш ва шу билан бирга, бугунги кунда янги ечимлар топиш зарур бўлаётган йўналишлар ривожига қўшимча суръат бағишлаш қатъий мақсад қилингани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовга самимий меҳмондўстлик ва саммитни юксак савияда ташкил этгани учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Саммит якунлари бўйича МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига оид битим ва қарорлар тўплами имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Хитойнинг уч буюк дарғасининг ислоҳотлар таълимотини Ўзбекистон етакчиси юритаётган иқтисодий сиёсат янада бойитади. Ўз халқи эркин ва бахтли ҳаёт кечириш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

НИГОҲ 3

2026 йил 10 октябрь, 210-сон

ФАРОВОНЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

ёхуд барқарор даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни жиловлаш сири



Нурислом ТЎХЛИЕВ,
академик



Янги Ўзбекистон руҳи

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тажрибанинг, у орқали қисқа фурсатда катта натижага эришишнинг сири нимада? Бу саволга жавобни айни йўналиш бўйича халқаро андоза сифатида кўрсатилувчи Хитой тажрибасига қиёсан, иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда.

Давлат бошқаруви ва иқтисодий ислоҳотларни баҳолашда сиёсий мақсад ва ижтимоий натижани фарқлаш зарур. Қарорнинг қабул қилиниши ҳали унинг самарали амалга оширилганини англатмайди. Ислоҳотнинг аҳамияти, аввало, ишлаб чиқариш самарадорлиги, аҳолининг даромад олиш имкониятлари ва ижтимоий хавфлардан ҳимояланиш даражасида намоён бўлади. Хитой ҳамда Ўзбекистон тажрибаси ушбу боғлиқликни турли тарихий ва иқтисодий шароитларда кузатиш имконини беради.

Мао Цзэдун, Дэн Сяопин ва Си Цзиньпин даврлари давлатнинг иқтисодиётдаги вазифалари, рағбатлантириш усуллари ва ижтимоий сиёсат воситалари ўзгариб борган босқичлардир. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги ислоҳотларни улар билан боғлашда ташқи ўхшашликлардан кўра иқтисодий имкониятлар, бошқарув сифати ва аҳоли фаровонлиги ўртасидаги муносабатлар асосий мезон бўлади.

Иқтисодий ўсиш билан камбағалликнинг қисқариши ўртасидаги муносабат даромаднинг қандай тақсимланишига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши янги иш ўринлари, меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромади орқали ижтимоий натижага айланади. Бироқ таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва молиявий ресурсларга кириш имконияти чекланган гуруҳлар ўсиш самарасидан тўлиқ фойдалана олмаслиги мумкин. Шунинг учун умумий иқтисодий имкониятларни кенгайтириш билан эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлашни биргаликда кўриб чиқиш зарур.

Қиёсий баҳолашда тарихий шароит ва статистик мезонларнинг фарқи сақланиши керак. Хитойнинг 2012-2020 йиллардаги танланган кузатувлари ва Ўзбекистоннинг 2021-2025 йиллардаги миллий камбағаллик кўрсаткичлари мамлакатларнинг ички динамикасини ифодалайди.

Мао Цзэдун бошчилигида 1949 йилда Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши давлат суверенитетини тиклади, мамлакатни бирлаштирди. Марказлашган сиёсий тизим, ер муносабатлари ўзгартирилиши, бошланғич таълим ва соғлиқни сақлаш мамлакатнинг кейинги иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатди. Саноат базасини яратиш, саводхонликни кенгайтириш ва асосий ижтимоий хизматларни ҳудудларга етказиш давлатнинг устувор вазифаларига айланди. Бироқ мазкур жараённи фақат ижобий натижалар орқали тавсифлаш тарихий манзарани бирёқлама қилади.

Мао даври бошқарув моделининг институционал асосини ресурсларни марказлашган тарзда тақсимлаш ва жамоавий сафарбарлик ташкил этган. Бу механизм устувор тармоқларга ресурсларни йўналтириш имконини берса-да, қарор қабул қилувчи марказ билан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ўртасида ахборот асимметриясини кучайтирди. Ижрочининг фаолияти ҳақиқий самарадорликдан кўра режа бажарилгани ҳақидаги ҳисобот орқали баҳоланса, кўрсаткичларни сунъий яхшилаш рағбати пайдо бўлади. Шу сабабли маъмурий назорат кучлилиги иқтисодий мувофиқлаштириш самарадорлигига автоматик равишда тенг эмас.

1958 йилда бошланган “катта сакраш” ва халқ коммуналари сиёсати иқтисодий имкониятлар билан маъмурий мақсадлар ўртасидаги номувофиқликни кескинлаштирди. 1966-1976 йиллардаги “маданий инқилоб” эса таълим, мутахассислар фаолияти ва институционал барқарорликка оғир зарар етказди. Хитойнинг 2021 йилги расмий тарихий резолюцияси ҳам бу даврдаги жиддий хатоларни тан олди. Жаҳон банки тадқиқотлари ислоҳотлар арафасидаги қишлоқ камбағаллиги меросини ана шу муваффақиятсиз сиёсатлар билан боғлайди.

Бу тажрибанинг институционал талқини давлат салоҳиятининг икки жиҳатини ажратишни талаб этади. Ресурсларни сафарбар қилиш имконияти муайян вазифага маблағ ва меҳнатни йўналтиришни англатади. Мослашувчан бошқарув хусусияти эса нотўғри қарорни аниқлаш, ишончли ахборот олиш ва сиёсатни қайта кўриб чиқиш имкониятида намоён бўлади. Биринчи жиҳат иккинчиси билан тўлдирилмаса, хато сиёсатнинг кўлами ҳам кенгайиши мумкин. Демак, эксперт баҳоси, маҳаллий ташаббус ва натижаларнинг холис текширилиши давлат бошқаруви сифатининг таркибий шартларидир.

Мао даврининг Ўзбекистон учун аҳамияти унинг иқтисодий моделини такрорлашда эмас. Бу тажриба ижтимоий мақсадлар қанчалик юксак бўлмасин, уларни амалга ошириш воситалари ишлаб чиқариш рағбатлари ва инсон манфаатларига мос бўлиши кераклигини кўрсатади. Камбағаллик дастурида кредит ажратиш ёки оилани рўйхатдан чиқаришнинг ўзи якуний натижа саналса, реал фаровонлик эътибордан четда қолиши мумкин. Демак, ҳар бир маъмурий вазифа уй хўжалигининг барқарор даромади ва хизматлардан фойдаланиш имконияти билан текширилиши лозим.

Дэн Сяопин билан боғлиқ 1978 йилдан бошланган ислоҳотлар Хитойда иқтисодий бошқарувнинг рағбатлар тизимини ўзгартирди. Дэннинг мавқеини одатдаги президентлик даври билан тенглаштириш тўғри эмас: у партия ва давлат сиёсатининг етакчи йўналишини белгилаган арбоб эди. Ислоҳотларнинг ўзаги бозор механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни очиш ва амалий натижани сиёсат самарадорлигининг мезонига айлантиришдан иборат бўлди.

Қишлоқ хўжалигида оилавий пудрат тизими хўжаликларнинг ишлаб чиқариш натижасидан манфаатдорлигини кучайтирди. Ернинг тўлиқ хусусийлаштирилишисиз ҳам фойдаланиш ва ҳосилдан даромад олиш шартлари ўзгариши меҳнат рағбатига таъсир кўрсатди. Жаҳон банки таҳлилида бу механизм қишлоқ даромадлари ўсиши ва ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаги камбағаллик қисқаришининг муҳим омили сифатида кўрсатилади. Унинг иқтисодий мазмуни мулк ҳуқуқининг номигагина эмас, амалда ким қандай қарор қабул қилиши ва натижадан қандай фойда олишига эътибор қаратишдир.

1980 йилда Шенчжен, Чжухай, Шантоу ва Сямен махсус иқтисодий зоналари ташкил этилиши ташқи капитал, технология ва экспорт бозорларига чиқиш учун тажриба майдонларини яратди. Ҳудудий тажриба мамлакат бўйлаб бирданига бир хил тартиб жорий қилиш хавфини камайтирди. Муваффақиятли ечимларни кенгайтириш, самарасизларини эса қайта кўриб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Шу жиҳатдан, Дэн ёндашуви қатъий тайёр схемадан кўра ўрганишга асосланган бошқарув сифатида талқин қилиниши мумкин.

Хитой ислоҳотининг меъмори дея тан олинган Дэн Сяопин иқтисодий сиёсатининг энг кучли жиҳатларидан бири очиқлик, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали чет эл капиталини жалб қилиш бўлди. Чунки бу орқали юз миллионлаб одамлар камбағалликдан қутулди.

Бироқ махсус зона ташкил этишнинг ўзи иқтисодий муваффақиятни кафолатламайди. Унинг самараси транспорт, энергия, малакали ишчи кучи ва ташқи талабга уланиш имкониятига боғлиқ. Имтиёзлар умумий бизнес муҳитидаги камчиликларни яширадиган воситага айланса, инвестиция имтиёз тугаши билан бошқа ҳудудга кўчиши мумкин. Демак, ҳудудий тажрибадан олинадиган асосий сабоқ солиқ енгиллигининг ҳажми эмас, рақобатбардош ишлаб чиқариш шароитларини шакллантиришдир.

Дэн даврида бошланган ўзгаришлар кейинги раҳбарлар даврида давом эттирилди. Жаҳон банки ва Хитойнинг ҳамкор тадқиқоти ушбу даврда халқаро 1,90 доллар чегараси бўйича камбағаллар сони қарийб 800 миллионга камайганини қайд этади. Бу тарихий ҳисоб эски халқаро мезонга тегишли, уни ҳозирги чегаралар билан аралаштириш ёки бутун натижани фақат Дэн ёхуд Си фаолиятига ёзиш унчалик адолатдан бўлмайди. Натижа иқтисодий ўсиш, таркибий силжишлар ва бир неча авлод давомида юритилган сиёсатларнинг йиғиндисидир.

Си Цзиньпин 2012 йилда давлат раҳбарлигига келганидан кейинги босқичда камбағалликни қисқартириш уй хўжалиги даражасидаги аниқ эҳтиёжларни аниқлаш билан кучайтирилди. Давлат интизоми ва коррупцияга қарши сиёсат, қишлоқларни ривожлантириш ҳамда юқори сифатли ўсиш масалалари бошқарув кун тартибида муҳим ўрин эгаллади. Манзилли ёндашув умумий иқтисодий ўсиш имкониятларидан етарли фойдалана олмаётган гуруҳларга қўшимча ёрдам беришга қаратилди.

Хитойнинг 2021 йилги маълумотига кўра, 2020 йил охирига келиб, амалдаги миллий қишлоқ мезони бўйича 98,99 миллион кишининг камбағалликдан чиқиши таъминланган, 832 камбағал уезд ва 128 минг қишлоқ тегишли тоифадан чиқарилган. Бу кўрсаткич мамлакатда барча шаклдаги эҳтиёж ёки нисбий камбағаллик тугаганини англатмайди.

Бироқ бу кўрсаткич алоҳида дастурнинг сабабий таъсирини мустақил равишда исботламайди. Сабабий баҳолаш учун дастур қамрови, харажатлар ва уй хўжаликлари натижаларини таққослаш имконини берувчи микромаълумотлар зарур. Расмий чегарадан чиқиш натижасининг барқарорлиги эса меҳнат даромади, ижтимоий хизматлар ва иқтисодий шокларга чидамлилик орқали баҳоланади. Шу маънода, манзилли ёрдамнинг якуний вазифаси маъмурий рўйхатни қисқартиришдан кенгроқдир.

1-жадвал уч даврни соддалаштирилган “давлатдан бозорга” ҳаракати сифатида тушунтириш етарли эмаслигини кўрсатади. Хитойда давлатнинг роли сақланган, аммо иқтисодий субъектларга бериладиган рағбат ва сиёсатни амалга ошириш воситалари ўзгарган. Шунинг учун қиёслашда давлат иштирокининг фақат ҳажмини эмас, унинг қандай вазифани бажараётганини аниқлаш муҳим. Инфратузилма яратиш билан корхонанинг ҳар бир ишлаб чиқариш қарорини маъмурий белгилаш иқтисодий жиҳатдан турли таъсирга эга.

Давлат салоҳияти, бозор рағбатлари ва ижтимоий ҳимояни ўзаро тўлдирувчи институтлар сифатида баҳолаш мумкин. Инфратузилма хусусий инвестиция харажатларини камайтиради, барқарор иқтисодий қоидалар тадбиркорнинг узоқ муддатли қарорларига асос яратади, ижтимоий ҳимоя эса аҳолининг ислоҳотларга мослашиш имкониятини кенгайтиради. Уларнинг биридаги заифлик бошқаларининг самарасини чеклайди. Масалан, молиялаштириш мавжуд бўлиб, электр таъминоти ва сотиш бозори етарли бўлмаса, кредитнинг барқарор даромадга айланиш эҳтимоли пасаяди.

Мазкур мантиқ Ўзбекистон ислоҳотларини таҳлил қилиш учун ҳам қўлланади. Бунда мамлакатларнинг сиёсий тизими, иқтисодиёт кўлами, демографияси ва ташқи бозорга чиқиш харажатлари турлича эканини эътиборга олиш зарур. Ўхшашликни раҳбарлар шахсий услуби билан бирга муаммо, восита ва ўлчанадиган натижа ўртасидаги боғланишдан излаш ҳам илмий жиҳатдан асослидир.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йилдан бошланган ислоҳотларнинг дастлабки ҳуқуқий доираси Ҳаракатлар стратегияси билан белгиланди. Кейинчалик 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва янгидан ишлаб чиқилган 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси иқтисодий ривожланиш, ижтимоий сиёсат ва бошқарувни янгилаш вазифаларини давом эттирди. Ушбу ҳужжатларни натижанинг ўзи сифатида эмас, давлат сиёсатининг устуворликлари ва ижро йўналишларини белгиловчи манба сифатида кўриш лозим.

Энг муҳим иқтисодий ўзгаришлардан бири 2017 йил сентябрдаги валюта бозорини либераллаштириш бўлди. Жаҳон банки баҳосида валюта курсларини бирлаштириш, савдо ва нархлар тартибини юмшатиш ҳамда 2019 йилдан солиқ ставкаларини қисқартириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг таянч йўналишлари сифатида қайд этилади. Тадбиркор учун бунинг моҳияти хорижий валюта, импорт ускунаси ва ташқи савдо ҳисоб-китобларига киришдаги маъмурий тўсиқларни камайтиришдан иборат эди.

Иқтисодий очиқликнинг ижтимоий мазмуни меҳнат муносабатларидаги ўзгаришларда ҳам намоён бўлди. Халқаро меҳнат ташкилоти 2021 йилги пахта йиғим-теримида тизимли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат тугатилганини, теримчиларнинг 99 фоизи ихтиёрий ишлаганини маълум қилди. Бу натижани маъмурий сафарбарликдан эркин меҳнат муносабатларига ўтишнинг муҳим далили сифатида қайд этиш лозим.

Жаҳон банки тадбиркорлик муҳити бўйича янги рўйхатдан ўтган бизнеслар сони 2016 йилдаги қарийб 33 мингдан 2022 йилда 93 мингга етганини кўрсатади. Ушбу маълумот иқтисодий фаоллик кенгайганини билдиради, лекин рўйхатдан ўтган корхона билан муваффақиятли ишлаётган корхонани тенглаштириш мумкин эмас. Ислоҳот натижасини тўлиқроқ баҳолаш учун бизнеснинг яшаб қолиши, иш ҳақи, унумдорлиги ва расмий бандлик яратиши ҳам кузатилиши керак.

Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва “Инсон” марказлари орқали хизматларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асосини яратди. Бунда оиланинг муаммоси фақат даромад етишмаслиги билан чекланмаслиги муҳим: ногиронлик, парвариш эҳтиёжи, зўравонлик хавфи ёки ҳужжат муаммоси алоҳида хизматни талаб қилади. Пул ёрдами билан профессионал ижтимоий хизматнинг бирлаштирилиши фуқарони бир идорадан бошқасига юбориш харажатларини камайтириши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллаларда тадбиркорлик, бандлик ва камбағаллик масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этишга асос яратди. Ушбу институтнинг иқтисодий мантиқи умумий давлат дастурини оиланинг аниқ эҳтиёжи билан боғлашдир. Унинг самараси ажратилган маблағдан кўра ишга жойлашиш, барқарор даромад ва ёрдамга эҳтиёжнинг камайиши билан баҳоланиши лозим.

2-жадвал маълумотларига кўра, 2021-2025 йилларда камбағаллик даражаси 11,2 фоиз пунктга камайган. Бошланғич даражага нисбатан қисқариш (17 − 5,8) / 17 × 100 = 65,9 фоизни ташкил этади. 2024-2025 йиллардаги пасайиш эса 3,1 фоиз пунктдир.

Камбағаллик кўрсаткичидаги пасайишни ислоҳотлар даврида кузатилган натижа сифатида қайд этиш асосли, аммо унинг барчасини муайян институт таъсирига тенглаштириш методологик жиҳатдан нотўғри. Уй хўжалиги даромади меҳнат ҳақи, тадбиркорлик тушуми, пул ўтказмалари ва ижтимоий трансфертлардан шаклланади, харид қобилиятига эса нархлар таъсир кўрсатади. Шунинг учун камбағалликнинг қисқаришини даромад манбалари бўйича таҳлил қилиш зарур. Кейинги вазифа чегарадан юқорига кўтарилган оилаларнинг ишсизлик, касаллик ёки нарх шоклари таъсирида қайта камбағаллашиш хавфини камайтиришдан иборат.

3-жадвалнинг асосий вазифаси катта рақамларни ёнма-ён қўйиш эмас, ҳар бир натижанинг қамровини аниқлаштиришдир. Хитой қаторида одамлар сони, Ўзбекистон қаторида эса аҳоли улуши келтирилган. Бундан ташқари, кузатув даврлари ҳам турлича. Шу сабабли бир мамлакатда камбағалликнинг мутлақ камайишини бошқасининг фоиз кўрсаткичи билан солиштириб, қайси сиёсат кучлироқ эканини аниқлаб бўлмайди. Бундай хулоса учун бир хил методология, давр ва бошланғич шароитларни ҳисобга олувчи таҳлил керак.

Дастур самарадорлигини баҳолашда уч турдаги маълумотларни ажратиш лозим. Ресурс кўрсаткичи қанча маблағ сарфланганини, бевосита натижа қанча одам хизмат ёки молиялаштириш олганини, якуний натижа эса оиланинг реал даромади ва мустақил бандлиги қандай ўзгарганини билдиради. Биринчи икки кўрсаткич тезкор бошқарув учун зарур, аммо улар учинчисининг ўрнини боса олмайди. Масалан, кўп кредит берилиши унинг даромад келтирганини ўз-ўзидан исботламайди.


Маҳалла дастурлари натижадорлигини ёрдам олган оилалар ҳолатини 12 ва 24 ойдан кейин қайта кузатиш орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ. Реал даромад, бандлик давомийлиги, қарз юки ва ижтимоий ёрдамга қайта мурожаат қилиш ҳолати биргаликда ўрганилиши керак. Дастурга киришдаги фарқларни ҳисобга олувчи таққослаш гуруҳлари таъсирни аниқлашни яхшилайди. Шахсий маълумотларни ҳимоялаган ҳолда умумлаштирилган натижаларни эълон қилиш ва мустақил текширув ўтказиш маъмурий ҳисобот билан ҳақиқий фаровонлик ўзгаришини фарқлаш имконини беради.

Хитой ва Ўзбекистон тажрибасини боғлайдиган асосий жиҳат иқтисодий имкониятларни кенгайтириш билан давлатнинг ижтимоий масъулиятини бирлаштиришдир. Дэн давридан олинадиган сабоқ ишлаб чиқарувчи манфаатдорлиги ва бозорга кириш шароитининг аҳамиятидир. Си давридаги манзилли сиёсат умумий ўсиш чеккада қолдирган оилалар билан алоҳида ишлаш заруратини кўрсатади. Мао даври эса катта давлат мақсадлари ишончли ахборот ва хатони тузатиш имкониятисиз оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эслатади.

Ўзбекистон учун биринчи амалий йўналиш тадбиркорлик ёрдамини бозор талаби билан боғлашдир. Ҳар бир оилани кредит орқали тадбиркорга айлантириш универсал ечим бўла олмайди. Айрим фуқаро учун малака ва ёлланма иш, бошқаси учун парвариш хизмати, яна бири учун ускунага ёки савдо каналига кириш муҳимроқ. Дастур оиланинг имкониятига мос танланса, ёрдамнинг қарзга айланиш хавфи камаяди. Тадбиркорлик сиёсатида тенг рақобат, шартнома ижроси ва барқарор тартиблар молиявий имтиёзлар билан бир қаторда баҳоланиши керак.

Иккинчи йўналиш маҳаллий тажрибаларни текшириладиган шаклда ташкил қилишдир. Масалан, бир неча туманда касбга ўқитиш ва иш берувчи билан амалиёт дастурини синаб, натижани ўхшаш шароитдаги бошқа туманлар билан солиштириш мумкин.

2-жадвал



(Ўзбекистонда миллий камбағаллик даражаси, 2021-2025 йиллар, фоизда)

Бунда иштирокчиларни танлашдаги фарқлар ҳам ҳисобга олинади. Самарали натижа кўрсатган дастурлар кейин кенгайтирилади. Мақсад Хитойдаги ҳудудий тажриба мантиғини Ўзбекистоннинг институционал шароитига мослаштиришдир, айнан бир хил бошқарув моделини кўчиришни назарда тутмайди. Кейинги пайтларда Ўзбекистон Президенти Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятига ташрифи чоғида худди ана шу йўналишларга урғу бергани тасодиф эмас.

Учинчи йўналиш иқтисодий ислоҳотларнинг ўтиш харажатларини ижтимоий ҳимоя билан юмшатишдир. Нарх ёки тариф ўзгаришидан зарар кўрувчи оилага ўз вақтида ёрдам берилмаса, узоқ муддатли самарадорлик қисқа муддатли фаровонлик йўқотишлари билан тўқнашади. Шу боис, ёрдамнинг манзиллилиги билан бирга қамрови, етарлилиги ва мурожаат қилиш имконияти ҳам муҳим. Меҳнатга лаёқатсиз шахснинг ҳимояси уни тадбиркорликка жалб этиш шартига боғланмаслиги керак.

Мамлакатимиз раҳбари ислоҳотининг яна бир кучли жиҳати шундаки, Ўзбекистон иқтисодиётида кечаётган таркибий трансформация — иқтисодий либераллашув, креатив иқтисодиётнинг институционаллашуви, туризмнинг янги ўсиш драйверига айланиши ҳамда хизматлар сектори кенгайиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борган сари кучайди. Чунки анъанавий иқтисодиётнинг ўзи билангина юқори ўсишга эришиб бўлмайди. Имом Бухорий мажмуаси ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ишга туширилишининг ўзиёқ минтақа зиёрат туризми ландшафтини бутунлай ўзгартирди.

Хитойнинг уч буюк дарғасининг ислоҳотлар таълимотини Ўзбекистон етакчиси юритаётган иқтисодий сиёсат янада бойитади. Ўз халқи эркин ва бахтли ҳаёт кечириш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ислоҳотларнинг барқарор натижаси давлатнинг ижро салоҳияти, иқтисодий рағбатлар ва инсоннинг ҳимояланганлиги ўртасидаги мувозанатга боғлиқ. Шавкат Мирзиёев давридаги очиқлик, меҳнат муносабатлари ва ижтимоий хизматлар ислоҳотларини шу яхлит мезон орқали баҳолаш мумкин. Келтирилган статистика камбағаллик камайганини кўрсатади. Келгуси вазифа эришилган даражани сақлаш, унумдор бандликни кенгайтириш ва оилаларнинг қайта камбағаллашиш хавфини камайтиришдан иборат.

Камбағалликни қисқартириш бўйича кўрсаткичлар *3-жадвал*

Кўрсаткич ва қамров	Бошланғич қиймат	Якуний қиймат	Ўзгариш
Хитой камбағал қишлоқ аҳолиси, миллион киши [8; 11]	2012: 98,99	2020: 0	− 98,99 миллион
Хитой камбағал қишлоқ аҳолиси, миллион киши [9; 10]	2018: 16,60	2019: 5,51	− 11,09 миллион
Ўзбекистон миллий камбағаллик даражаси, % [19]	2021: 17	2025: 5,8	− 11,2 фоиз пункт
Ўзбекистон миллий камбағаллик даражаси, % [19]	2024: 8,9	2025: 5,8	− 3,1 фоиз пункт

2026 йил 10 октябрь, 210-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Марказий Осиё олдида турган бугунги савол “Ҳамкорлик керакми?” тарзида қўйилмайди. Бу масалага жавоб аллақачон берилган. Энди савол бошқача: ҳамкорлик қандай тезликда, қайси институтлар орқали ва қандай натижа билан чуқурлашади?

Муносабат

ИШОНЧДАН МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТГАЧА

Марказий Осиё асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаган йўллар чорраҳаси бўлиб келган. Буюк ипак йўли орқали моддий товарлар билан бир қаторда ғоялар, билимлар, технологиялар ва маданий қадриятлар ҳам ҳаракатланган. Бугун тарихий карвон йўллари ўрнини темир йўллар, автомобиль магистраллари, портлар ва рақамли савдо майдонлари эгалламоқда. Аммо бир ҳақиқат ўзгаргани йўқ, яъни минтақанинг тақдири унинг қанчалик очиқ, ўзаро боғланган ва ҳамжиҳат бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ.



Ойбек ҚЎШБОҚОВ,
Парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар ана шу янги тарихий жараённинг муҳим нуқталаридан бири сифатида намоён бўлди.

Етти йил аввал айтилган ғоянинг бугунги натижаси

2017 йил сентябрда Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиёга ташқи сиёсатда устувор аҳамият қаратиш, минтақа мамлакатлари ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари ўша нутқида мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, яхши қўшничиликни ривожлантириш, чегаралар, сув ресурслари, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик каби масалаларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш заруратига алоҳида урғу берган эди. 2018 йили Остонада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди. Бу воқеа кейинги жараён учун институционал пойдевор вазифасини бажарди.

Бугун саккизинчи учрашув ҳақида гапираётган эканмиз, ўша даврни эслаш муҳим. Чунки сиёсатда ғоянинг қиймати янгилиги билан эмас, балки вақт ўтгани сайин қандай натижа бергани билан белгиланади. 2017 йили илгари сурилган ташаббус бугун мунтазам ишлайдиган минтақавий мулоқот форматига айланди. Унинг доирасида хавфсизлик, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, сув, экология, таълим, маданият ва ёшлар сиёсати каби ўнлаб масалалар муҳокама қилинмоқда.

Сиёсий ишончнинг иқтисодий қиймати бор

Ҳар қандай мамлакат учун ташқи сиёсатнинг иқтисодий натижасини баҳолаш мумкин бўлган энг аниқ мезонлардан бири савдо кўрсаткичларидир. Мамлакатимизнинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси 2017-2025 йилларда 3,1 баробар ошиб, 8,3 миллиард долларга етди. 2026 йилнинг январь-август ойларида эса мазкур кўрсаткич 6,14 миллиард долларни ташкил этиб, бир йилда 26,2 фоиз ўсди.

Бу рақамларда сиёсий ишончнинг иқтисодий самараси кўринади. Тадбиркор қўшни давлатга ишонч билан товар жўнатиши учун аввало сиёсий барқарорлик керак. Инвестор узоқ муддатли лойиҳага маблағ киритиши учун қўшничилик муносабатлари мустаҳкам бўлиши лозим. Чегарадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, транспорт қатновларини тиклаш, бизнес алоқаларини йўлга қўйиш учун эса ўзаро ишонч зарур. 2017 йилдан кейин Марказий Осиёда юз берган сиёсий ўзгаришларнинг иқтисодий аҳамиятини айнан шу мезон билан баҳолаш мумкин.

Кейинги вазифа шунчаки савдо ҳажмини оширишдан иборат бўлмайди. Экспорт географиясини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини кўпайтириш, саноат кооперациясини кучайтириш, минтақа бозорларида ўзбек брендидаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бизнингча, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи айнан шу ердан бошланади.

Чегаралар яқинлашган сари иқтисодиётлар ҳам яқинлашади

Сўнгги йилларда чегара масалалари бўйича эришилган натижаларни Марказий Осиё тарихидаги энг катта сиёсий ютуқлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

2025 йилда Қирғиз Республикаси ва Тожикистон ўртасида давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланди. 31 март куни Ўзбекистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон ўртасида давлат чегараларининг туташган нуқтаси тўғрисида уч томонлама шартнома ва Абадий дўстлик декларацияси қабул қилинди. Бу қарорлар ортида йиллар давомида тўпланган муаммоларни сиёсий мулоқот ва ўзаро мақбул ечимлар орқали ҳал қилиш иродаси турибди.

Бундай ўзгаришнинг иқтисодий қийматини тасаввур қилиш қийин эмас. Чегара савдо йўлидаги тўсиқ сифатида кўринишдан чиқиб, иқтисодий алоқаларни тезлаштирадиган нуқтага айланса, қўшни ҳудудлар ўртасидаги савдо, хизмат кўрсатиш ва инвестиция ҳаракати жадаллашади. Бугун Қирғиз Республикаси билан савдонинг бир йилда 51,2 фоиз, Тожикистон билан 45,6 фоиз ўсгани ана шу ўзгаришларнинг иқтисодий ифодаларидан биридир.



Ўзбекистоннинг сиёсий иродаси минтақавий кун тартибини ўзгартирмоқда

Президентимиз 2017 йилда Марказий Осиёга устувор аҳамият қаратишни белгилаганида бу йўлнинг барча натижасини олдиндан аниқ тасаввур қилиш қийин эди. Аммо сиёсий қарорнинг стратегик мантиғи очиқ эди. Минтақа тинч бўлса, юртимиз тинч, қўшнилар билан савдо кенгайса, миллий иқтисодиёт учун янги бозорлар очилади. Транспорт алоқалари яхшиланса, мамлакатимизнинг географик жойлашуви иқтисодий устунликка айланади.

Бугунги воқелик ушбу ёндашувнинг ҳаётийлигини кўрсатмоқда. 2025 йили Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни 2035 йилгача бўлган давр учун комплекс дастур асосида ривожлантириш, ягона инвестиция маконини шакллантириш, электрон тижоратни кенгайтириш, маъмурий ва савдо тўсиқларини қисқартириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Бу ташаббусларнинг мантиғи жуда аниқ. Минтақа мамлакатлари ўртасида савдо ҳажмини ошириш учун яхши сиёсий муносабатнинг ўзи етарли. Уларни институционал механизмлар билан мустаҳкамлаш учун эса умумий қоидалар, соддалаштирилган тартиб-таомиллар, инвестор ҳуқуқларининг кафолати, техник талабларни уйғунлаштириш ва замонавий рақамли ечимлар зарур.

Шу боис, Президентимиз ташаббусларининг энг кучли жиҳатларидан бири сиёсий ғояларни амалий иқтисодий механизмлар билан боғлашга интилишидир. Бу ўринда сиёсий ирода деган тушунчага ҳам кенгроқ қараш зарур. У фақат қарор қабул қилиш жасорати эмас, балки мураккаб масалаларда муросага эришиш, узоқ муддатли манфаатни қисқа муддатли ҳисоб-китобдан устун қўйиш, зарур пайтда янги қадам ташлаш ва бошланган ишни изчил давом эттириш қобилиятини ҳам англатади. Марказий Осиёдаги сўнгги йиллар тарихи бу фикрни тасдиқлайди.

Озарбайжон омили ва минтақанинг янги географияси

2025 йил ноябрда Тошкентда ўтказилган еттинчи Маслаҳат учрашувида Озарбайжон тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида қабул қилинди. Бу қарорнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти катта. Чунки минтақа ҳамкорлиги энди Каспий орқали Жанубий Кавказ ва Европа йўналиши билан янада чуқур боғланмоқда.

Назаримизда, бу ўзгариш Марказий Осиё иқтисодий харитасини тушунишда алоҳида аҳамиятга эга. Аввал минтақа ҳақида гап кетганда кўпроқ қуруқликдаги ички алоқалар назарда тутиларди. Бугун эса Каспий портлари, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши, Озарбайжоннинг транспорт-логистика инфратузилмаси, Европа бозорлари ва Марказий Осиё ишлаб чиқариш салоҳиятини бир занжирда кўриш имкони пайдо бўлмоқда.

“Ўрта йўлак” бўйича юк ташиш ҳажмининг етти йилда қарийб беш баравар ўсиб, йилига 4,5 миллион тоннага етгани ҳам шу жараённинг иқтисодий асоси мустаҳкамланаётганини кўрсатади. 2025 йилда ушбу йўналиш орқали тахминан 77 минг контейнер ташилган. 2029 йилга бориб, бу кўрсаткични 300 минг контейнерга етказиш мақсади белгиланган. Юк етказиб бериш муддатининг 28-32 кундан 13-17 кунгача қисқаргани эса йўлакнинг рақобатбардошлиги ошаётганини кўрсатади.

Эртанги куннинг энг катта сиёсий масаласи

Марказий Осиё иқтисодий интеграцияси ҳақида гапирганда сув масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Амударё ва Сирдарё ҳавзалари минтақадаги қишлоқ хўжалиги, энергетика, экологик барқарорлик ва аҳоли фаровонлиги билан бевосита боғлиқ. 2017 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланишни минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўтарган эди. Ўша нутқда сув, тинчлик ва хавфсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликка урғу берилган.

Бугун бу масала янада долзарблашмоқда. 7 октябрь куни Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сув ресурсларини бошқариш бўйича юқори даражадаги учрашув ўтказилгани бежиз эмас. Тошкентда илгари сурилган 2026-2036 йилларни “Сувни тежаш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ташаббуси ҳам сув масаласини узоқ муддатли стратегик вазифа сифатида кўраётган ёндашувни ифодалайди.

МДҲдаги раислик — янги имкониятлар майдони

Авазадаги жараённинг биз учун яна бир муҳим жиҳати 2027 йилда МДҲга раисликнинг мамлакатимизга ўтишидир. Бу Ўзбекистоннинг 2020 йилдан кейинги иккинчи раислиги бўлади. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ҳамдўстлик доирасидаги ташаббуслари махсус иқтисодий зоналар, стартаплар ва инновациялар, энергетика ҳамда ёшлар ҳамкорлиги каби йўналишларни қамраб олди.

2026 йил январь-август ойларида Россия ва Марказий Осиёнинг тўрт давлати билан савдо ҳажми 15,3 миллиард долларни, яъни мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг 26,7 фоизини ташкил этган.

Шунинг учун 2027 йилги раисликни навбатдаги расмий вазифа сифатида кўриш камлик қилади. Уни мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларига мос ташаббусларни кенгроқ халқаро майдонга олиб чиқиш имконияти сифатида баҳолаш керак.

Энди савол ўзгаради

Марказий Осиё олдида турган бугунги савол “Ҳамкорлик керакми?” тарзида қўйилмайди. Бу масалага жавоб аллақачон берилган. Энди савол бошқача: ҳамкорлик қандай тезликда, қайси институтлар орқали ва қандай натижа билан чуқурлашади?

Айнан шу ерда Аваза мулоқотларининг сиёсий аҳамияти яна бир бор намоён бўлади. Сиёсий келишувлар иқтисодий лойиҳаларга айланиши керак. Транспорт йўлаклари реал логистика занжирларига хизмат қилиши зарур. Савдо ўсиши экспорт таркибида сифат ўзгаришларига олиб келиши лозим. Инвестиция битимлари янги ишлаб чиқариш ва технологик кооперацияни таъминлаши керак. Сув бўйича келишувлар аниқ ҳисоб-китоб ва ўзаро ишонч механизмлари билан таъминланиши даркор.

Қабул қилинаётган ҳужжатларнинг кейинги тақдири шунда ҳал бўлади. Ҳар қандай минтақавий интеграция жараёнининг энг оғир босқичи қарорни ижро этишдир. Шу боис, мамлакатимиз учун кейинги вазифалар қаторида қабул қилинган минтақавий келишувларнинг миллий қонунчилик билан уйғунлигини таъминлаш, уларнинг ижросини парламент назоратига олиш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун амалий натижаларини белгилаш механизмларини яратиш муҳим ўрин тутиши мумкин. Бу, айниқса, 2027 йилдаги МДҲ раислиги даврида илгари суриладиган ташаббусларнинг узоқ муддатли самарадорлиги учун зарур.

Тарих яна бир карвон йўлини кутмоқда

2017 йилда Президентимиз БМТ минбаридан Марказий Осиёда мунтазам мулоқот ўрнатиш ташаббусини илгари сурганида, бу фикр кейинчалик қанчалик катта минтақавий жараёнга айланишини кўпчилик тўлиқ тасаввур қилмаган бўлиши мумкин. Бугун эса саккизинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилаётган пайтда ўша ғоянинг амалий натижалари савдо кўрсаткичлари, чегаралар очилиши, янги транспорт йўлаклари, инвестиция лойиҳалари ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда кўриниб турибди.

Бизнингча, бу жараённи шунчаки дипломатик муваффақият сифатида баҳолаш тор ёндашув бўлади. Бу минтақанинг ўз тақдирини ўз қўлига олиш жараёни. Президентимиз айтганидек, Марказий Осиёдаги янги муҳит ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва умумий сиёсий ирода асосида шаклланмоқда. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда бундай ўзгариш бир неча йил олдин жуда мураккабдек кўринган масалаларга ҳам янги ечим излаш имконини берди.

Энди ана шу ишончни иқтисодий бойликка, сиёсий яқинликни умумий бозорларга, транспорт боғлиқлигини янги имкониятларга, сув бўйича ҳамкорликни экологик барқарорликка айлантириш вақти келди.

Бизнингча, Авазадан кутилган энг катта натижа ҳам шу. Чунки тарих давлатларнинг қанча марта бир стол атрофида йиғилганини узоқ эслаб ўтирмайди. Тарих халқлар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берганини ёдда сақлайди.

ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ, стратегик шерик давлатлар ҳамкорлигининг янги уфқлари

Ўзбек ва туркман халқларини азалий дўстлик, яқин маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар боғлаб туради. Бу тарихий яқинлик бугун ҳам икки халқ ўртасидаги яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муносабатларининг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.



Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

2017 йил 6 мартда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2022 йил 21 октябрдаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бугун давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий мулоқотдан тортиб, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, саноат ва гуманитар соҳаларгача кенгайиб бормоқда. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма кооперация лойиҳаларини амалга ошириш ва тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан тўғри алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришда “Шовот — Тошовуз” савдо зонасининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. У нафақат чегараолди савдосини ривожлантириш, балки икки халқ ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни янада яқинлаштиришга замин яратяпти.

Давлатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Бу икки мамлакат парламентлари вакилларининг ташрифи орқали янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркманистон парламенти ўртасида ташкил этилган Парламентлараро дўстлик гуруҳлари ушбу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу ҳамкорлик ривожида муҳим жиҳат. Бинобарин, парламент дипломатияси нафақат қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, балки икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, умумий манфаатларга дахлдор масалалар юзасидан фикр алмашиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун муҳим майдондир.

Президентимизнинг шу йил 7-9 октябрь кунлари ушбу мамлакатга амалий ташрифи Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб, икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга замин ҳозирлайди.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу мулоқот мамлакатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни изчил давом эттириш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва бошқа устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Мазкур учрашув якунида имзоланган Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги битим эса том маънода, икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни изчил амалга оширишга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсати Марказий Осиёда ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиз минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган муҳим ташаббусларни изчил илгари сурмоқда.

Масалан, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашуви формати йўлга қўйилгани муҳим тарихий қадам бўлди.

“Аваза” миллий сайёҳлик зонасида ўтказилган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашуви ҳам бунга ёрқин мисол. Учрашув минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли алоқаларни янги мазмун билан бойитиш ва Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этди.

Бинобарин, мазкур мулоқот минтақа давлатлари ўртасидаги шерикликни янги босқичга олиб чиқиш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятларни очиб берди.

Ушбу саммитда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва уни янги мазмун билан бойитишга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди. Айниқса, минтақавий мулоқот қуриладиган асосни мустаҳкамлаш таклифи давлатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга қаратилган.



Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш ташаббуси эса минтақавий ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Зеро, пухта ҳуқуқий асос давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни тизимли ва барқарор ривожлантириш, эришилган келишувларни изчил амалга ошириш учун мустаҳкам замин вазифасини ўтайди.

Саммитда иқтисодий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бу мавжуд салоҳият ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги ҳамкорлик нуқталарини аниқлаш ва амалий лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун кенг йўл очади. Хусусан, 2027 йилда қадимий Хива шаҳрида Марказий Осиё ва Озарбайжон бизнес форумини ўтказиш ташаббуси минтақавий иқтисодий шерикликни янги мазмун билан бойитиш, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва янги инвестициявий лойиҳаларга йўл очишга қаратилган муҳим қадамдир.

Бундай йирик мулоқот майдони мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан бир қаторда, инвестицияларни жалб этиш, янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан тўғри алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратади.

Форумнинг асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган, Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бири бўлган қадимий Хива шаҳрида ўтказилиши ҳам чуқур рамзий маънога эга. Чунки бир вақтлар савдо карвонлари ва турли маданиятлар туташган бу кўҳна шаҳар бугун замонавий иқтисодий ҳамкорлик ва янги тараққиёт ташаббуслари учрашадиган майдонга айланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги азалий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янги мазмун билан бойиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида эришилган келишувлар икки қардош халқ манфаатларига хизмат қиладиган янги ҳамкорлик уфқларини очди. Мазкур ташриф том маънода, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз мактабларда 2018 йилдан буён янги авлод дарсликлари яратилиши, жорий йилда 324 та дарслик қайта ишланганини таъкидлади. Аммо энг яхши дарслик ҳам талқинчи устоз қўлидагина жонли билимга айланади. Герменевтик савияси паст педагог дарсликни мазмунини очмасдан ёдлатади, савияси юқориси эса уни ўқувчи ҳаёти билан боғлаб, мустақил хулосага ундайди.



Нуқтаи назар

Мулоҳаза

ТЕХНОЛОГИЯ БИЛИМ БЕРАДИ, УСТОЗ ЭСА ҚАЛБ



Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Ҳар бир миллатнинг тақдири, аввало, мактаб остонасида, устоз ва шогирд ўртасидаги суҳбатда ҳал бўлади. Абдулла Авлоний тарбияни биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи деб таърифлаганидан буён бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, бу ҳикматли сўзлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки сунъий интеллект билим олиш ва меҳнат қилиш усулларини тубдан ўзгартираётган ҳозирги паллада таълимнинг мақсади ҳақида қайта ўйлаш зарурати туғилади.

Ахборотни излаш, саралаш ва тақдим этиш вазифасини замонавий катта тезликда бажармоқда. Аммо боланинг қалбига йўл топиш, унга Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, масъулият ва меҳнатсеварлик туйғусини сингдириш фақат жонли инсон, яъни устознинг қўлидан келади. Президентимиз устоз ва мураббийлар билан ўтказилган учрашувда айнан шу ҳақиқатга таяниб, устозни “меҳр дарёси”, “эзгулик булоғи” ва “маърифат қуёши” деб таърифлади.

Ташаббуслар моҳияти

Учрашув давомида баён этилган фикрларни таҳлил қилсак, уларнинг марказида бир ғоя турганини кўрамиз: таълимнинг асосий сарманзили бино, жиҳоз ёки ҳисобот рақамлари эмас, балки ўқитиш мазмуни, сифати ва устознинг ижтимоий мақомидир. Кейинги ўн йилда 1 миллион 800 минг ўринли боғчалар ва 1,5 миллион ўринли мактаблар барпо этилди, 10 мингдан зиёд таълим муассасаси замонавий кўринишга келтирилди. Президентимиз бу натижаларни эътироф этиб, энди “бинолардан ҳам муҳимроқ масала — ўқитиш мазмуни ва сифати” деган хулосага урғу берди. Бу таълим сиёсатида миқдордан сифатга ўтишнинг очиқ эълонидир.

Ташаббусларни беш йўналишда умумлаштириш мумкин.

Биринчиси, устоз мақомини мустаҳкамлаш — Абдулла Авлоний номидаги давлат мукофотини таъсис этиш, “Йил ўқитувчиси” танловига боғча тарбиячилари ва техникум усталарини киритиш, халқаро ва миллий сертификатга эга ўқитувчиларга 50 фоиз устама тўлаш, минг педагогни хорижда стажировкадан ўтказиш.

Иккинчиси, натижага асосланган бошқарув — мактаблар фаолиятини баҳолаш учун “сифат индекси”ни жорий этиш, илғор мактабларга бошқаларнинг ўсишига кўмаклашгани учун 30 фоиз устама белгилаш.

Учинчиси, мажбурийликдан танлов эркинлигига ўтиш — малака ошириш бўйича мажбурий бир ойлик курслар ўрнига касбий ривожланиш ваучерлари бериш, педагогнинг 18 соатдан 72 соатгача бўлган ўқувни ўзи танлаши.

Тўртинчиси, таълим босқичлари узвийлиги ва касбга йўналтириш — мактабдан бошлаб касб ва хорижий тилни эгаллаш, дуал таълимни техникумлардан олийгоҳларгача кенгайтириш.

Бешинчиси, тенглик ва хилма-хиллик — инклюзив таълим, хусусий мактаблар ва техникумларни қўллаб-қувватлаш, хорижнинг энг кучли 300 университети филиалларини жалб этиш.

Мазкур тизимда ҳар бир ташаббус бир-бирини тўлдиради. Масалан, боғчада ўйин орқали қобилиятлари кашф этилган бола мактабда фанларни чуқур ўрганиш имкониятига, сўнгра касбий ёки олий таълимда корхона буюртмаси асосидаги дуал таълимга йўл топади. Бунда ҳар бир босқичдаги устоз ушбу занжирнинг тенг ҳуқуқли ҳалқаси бўлиб қолади.

Жамият тараққиётидаги аҳамияти

Президентимиз белгилаган ташаббусларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти, аввало, ижтимоий-маънавий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва педагогик тизимнинг ички ривожига қаратилганидан намоён бўлади. Масалан, болаларининг пахта даласидан мактаб партасига, ўқитувчиларнинг таълим жараёнига қайтарилиши соҳанинг ижтимоий адолат ва инсон қадр-қиммати билан боғлиқ моҳияти ифодасидир.

PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчиларнинг табиий фанлар бўйича 32 поғона юқорилаб, 48-ўринни эгаллаши, бир йилда нуфузли олимпиадаларда 228 та медаль қўлга киритилиши, мактаб давридаёқ хорижий тил ва фанлардан сертификат олган ўқувчилар сонининг 100 мингга етиши таълим тизими илдизларидаги ижобий силжишдан дарак беради.



Халқаро ва миллий сертификатга эга ўқитувчилар сонининг беш йилда 29 мингдан 143 мингга ортгани, мактабларда ўқитувчи етишмаслигининг уч баробар камайгани, 40 минг муаллимнинг 1 минг доллардан юқори маош олаётгани касбнинг нуфузи тикланаётганини кўрсатади. Педагог ўз касбидан моддий ва маънавий қониқиш топмас экан, юксак сифатни талаб қилиш адолатдан бўлмайди. Шу боис, рағбат ва масъулият уйғунлиги ислоҳотнинг асосий қоидаси бўлиши керак.

Тенглик ва танлов эркинлиги принциплари ҳам жамият тараққиётининг муҳим шартидир. Икки йилда инклюзив шароит яратилган мактаблар сони қарийб беш баробар ошиб, 3 минг 591 тага етгани алоҳида эҳтиёжга эга болалар тенгдошлари билан бир муҳитда ўқиши ва ўсишига йўл очади. Бундай муҳитда соғлом бола ҳам ҳамдардлик, бағрикенглик ва бир-бирига кўмак бериш маданиятини ўрганади. Хусусий мактаблар ва техникумлар учун берилаётган имтиёзлар эса давлат таълим тизимини алмаштирмайди, аксинча, соғлом рақобат орқали сифатни оширади ва давлат мактабларига ҳам ўз тажрибасини бойитиш имконини беради.


Мактабгача таълимга берилаётган эътибор чуқур илмий асосга эга. Замонавий психология ва педагогика боланинг шахс сифатида шаклланишида дастлабки йиллар ҳал қилувчи эканини тасдиқлайди. Боғчани боланинг қобилияти кашф этиладиган маскан деб билиш, ўйин орқали таълим дастурини 38 мингдан ортиқ боғчага жорий этиш, 180 минг тарбиячини ўқитиш келажакдаги ўқиш мотивацияси ва ижодий фикрлашнинг пойдевори қўйилаётганини билдиради.

Шунингдек, “сифат индекси” ва ваучерлар тизими таълим бошқарувида янги маданиятни шакллантиради: назорат ўрнига таянч, кўрсатма ўрнига танлов, ҳисобот ўрнига натижа беради.

Сифат мезони

Юқорида санаб ўтилган барча ташаббуслар охир-оқибат синф хонасида, устознинг сўзи, нигоҳи ва муомаласида рўёбга чиқади. Дарслик янги, бино замонавий бўлиши, кредит ва имтиёзлар берилиши муҳим, аммо болага таъсир кўрсатадиган бирламчи омил устознинг шахси ва сўзидир. Шунинг учун таълим сифатининг чинакам мезони педагогик маҳоратдир.

Педагогик маҳорат педагогнинг билим, касбий кўникма, шахсий фазилат ва ижодкорлик уйғунлигида намоён бўладиган юксак касбий даражадир. У тўрт таркибий қисмдан иборат: фан ва методика бўйича чуқур билим; ўқувчи руҳиятини тушуниш ва унга мос усул танлаш қобилияти; ўз-ўзини бошқариш ва ижодий ўзгарувчанлик; ва энг асосийси, нутқ маданияти. Устоз нутқи фан мазмунини етказиш воситаси бўлибгина қолмайди, у ўқувчи учун адабий тил, фикр юритиш тарзи ва маънавий одоб намунасидир.



Нутқ маданияти тўғри талаффуз ва имло, сўз бойлиги, мантиқий изчиллик ва услуб мувофиқлиги билан бирга тингловчига ҳурмат маданиятини ҳам ўз ичига олади. Ўқувчига берилган савол оҳанги, хатосига билдирилган муносабат, мақтов ва танбеҳ сўзлари унинг ўзига ишончини шакллантиради ёки сўндиради. Шу сабабли Президентимиз таъкидлаган “танқидий фикрлаш” ва “мустақил фикр” кўникмаларини тарбиялаш, аввало, устознинг савол бериш ва тинглаш маданиятига боғлиқдир. Ўқувчининг фикрини тинглай олмаган, унга ижодий савол бера олмаган педагог танқидий фикрловчи авлодни тарбияламайди.

Нотиқлик санъати педагог фаолиятининг ажралмас қисмидир. Қадимги юнон ва шарқ мутафаккирлари нотиқликни фақат гўзал сўзлаш эмас, балки фикр, ахлоқ ва таъсир кучининг бирлиги деб билган. Дарс — кичик нутқ саҳнаси: унинг бошланиши (қизиқтириш), ривожи (тушунтириш ва мулоҳаза), авж нуқтаси (кашфиёт лаҳзаси) ва хулосаси бор. Устоз овоз оҳанги, пауза, имо-ишора, мисол ва ўхшатишдан ўринли фойдаланиб, мураккаб тушунчани ҳам ўқувчига тушунарли ва эсда қоладиган қилиб етказа олади. Шу боис, педагогика олийгоҳларида ва малака ошириш тизимида нутқ маданияти ва нотиқлик санъати алоҳида, амалий машғулотларга асосланган йўналиш сифатида кучайтирилиши лозим.

Бундан ташқари, таълимда педагогик герменевтика деган тушунча мавжуд. Унинг маъноси шуки, ўқитиш ахборотни бир кишидан бошқасига узатиш эмас, балки маънони биргаликда яратишдир. Ўқувчи ҳар бир янги билимни ўз тажрибаси, тил ва дунёқараши орқали талқин қилади, устоз эса шу талқиннинг қандай кечаётганини илғаб, уни тўғри йўлга солиши керак.

Президентимиз мактабларда 2018 йилдан буён янги авлод дарсликлари яратилиши, жорий йилда 324 та дарслик қайта ишланганини таъкидлади. Аммо энг яхши дарслик ҳам талқинчи устоз қўлидагина жонли билимга айланади. Герменевтик савияси паст педагог дарсликни мазмунини очмасдан ёдлатади, савияси юқориси эса уни ўқувчи ҳаёти билан боғлаб, мустақил хулосага ундайди.

Педагогик маҳоратнинг яна бир муҳим қирраси — педагогик такт ва ахлоқий обрў. Ўқувчилар устознинг айтган сўзидан кўра кўпроқ унинг ўзи қандай яшаётганига қарайди. Сўзи билан иши бир бўлган, ваъдасига вафо қиладиган, ўқувчини хатоси учун ҳақорат қилмасдан тўғри йўлга бошлайдиган педагог шогирдининг қалбида абадий из қолдиради. Шарқ педагогик тафаккурида устоз ҳамиша ахлоқ ва одоб тимсоли бўлган; Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва Алишер Навоий асарларида билим эгаси бўлиш билан бирга сўзга масъулиятли бўлиш ҳам юксак фазилат сифатида улуғланади.

Шу маънода, мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Келаси ўқув йилидан тарбиячилар учун педагогика олийгоҳларида ўқиш муддатининг тўрт йилдан уч йилга қисқариши, боғчада камида беш йил ишлаган тарбиячи ёрдамчиларига ҳам шундай имконият берилиши касбга кириш йўлини кенгайтиради. Аммо муддат қисқараркан, ўқув дастурлари сифати ва зичлиги пасаймаслиги керак. Бунинг учун ишлаб туриб ўқийдиган педагогга масофавий ва аралаш форматдаги дастурлар, тажрибали устознинг раҳбарлиги ва амалий машғулотларнинг кўпайтирилиши муҳим шартдир.

Олимпиада ғолибларини тайёрлаган устозларга тўғридан тўғри олий тоифа берилиши, бошланғич синфлар учун фан олимпиадалари йўлга қўйилиши истеъдодли болаларни эрта аниқлашга хизмат қилади. Бунда ғолибларга эмас, ҳар бир болага эътибор бериш тамойилидан чекинмаслик лозим: мусобақа ўқувчини қизиқтириши, руҳий босим ўтказмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, устоз ўқувчининг ютуғини ҳам, муваффақиятсизлигини ҳам ҳурмат билан қабул қилиб, ундан ўсиш имконияти сифатида фойдалана билиши, яъни педагогик тактни юқори даражада эгаллаган бўлиши лозим.

Олий таълимда эса илмий-педагогик кадрларнинг педагогик маҳорати муаммоси алоҳида кўтарилиши зарур. Кўп олимлар ўз соҳаси мутахассиси бўлса-да, талабага билимни тушунарли ва қизиқарли етказиш маҳорати етишмаслигидан азият чекади. Дуал таълимда корхонадан талабага бириктириладиган устозлар ҳам, олийгоҳ ўқитувчилари ҳам педагогик маҳорат, нутқ маданияти ва мулоқот кўникмалари бўйича махсус тайёргарликдан ўтиши зарур. Шунда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик фақат ҳужжатлар даражасида қолмай, чинакам ўқитиш сифатига айланади.

Президентимизнинг учрашувда билдирган ташаббуслари мажмуи таълим сиёсатида мазмун ва сифатга, устоз мақомига, натижага ва узвийликка асосланган янги босқични англатади. Мукофотлар, устамалар, ваучерлар, сифат индекси, дуал таълим ва халқаро ҳамкорлик — буларнинг бари таълимнинг асосий субъекти бўлган устозга ишонч ва унинг масъулиятини ошириш воситасидир. Устозни эъзозлаш бир касб эгасини эмас, бутун бир миллат келажагини эъзозлашдир. Бу сўзларни амалий ишлар билан тасдиқлаш ҳар биримизнинг илмий, касбий ва инсоний бурчимиздир.

ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — эртанги кунни барпо этишнинг энг муҳим бўғини

Бугун давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳам ёшларнинг сифатли таълим олишига эришиш, қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Зеро, таълимни ривожлантириш янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим бўғинидир.

Расул СОАТОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

Агар мамлакатимиз таълим тизимидаги ўн йил аввалги ҳолатни бир сурат мисолида тасаввур қилсак, у оқ ва қора тасвирга ўхшайди. Бугунги ўқитиш тизимида қўлга киритилаётган ютуқларни кўриб, одамнинг ақли шошиб қолади. Ўша даврда кучли ўқитувчилар, иқтидорли болалар ёки катта мақсадлар бўлмаганми? Албатта, бўлган, аммо уларни рўёбга чиқариш учун имкониятлар анча кам эди. Бугун эса манзара бутунлай бошқача. Энг муҳими, бу ўзгариш ўқитувчига муносабатдан бошланди. Сўнгги ўн йилда педагоглар мақомини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз ўқитувчининг жамиятдаги мақоми юқори бўлиши зарурлигини кўп таъкидлайди. Шунингдек, қабул қилинган қарорлар педагогнинг нафақат меҳнат шароитини яхшилаш, балки бу соҳага муносабатни босқичма-босқич ўзгартиришни тақозо этди. Яъни ўқитувчини дарс жараёнидан чалғитиб, вазифасига оид бўлмаган ишларга жалб этиш таъқиқланди. Муаллимларнинг иш ҳақи миқдори оширилиб, касбий имконияти кенгайди. Педагог мақоми Конституция даражасида кафолатланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Йил ўқитувчиси” танлови эса ўқитувчиларни янги марралар сари ундамоқда. Ушбу беллашувда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 46 мингдан ортиқ педагог иштирок этди. Танловда ўқитувчиларнинг билими, кўникмалари ва дарс ўтиш услуби баҳоланди. Айниқса, таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган илғор тажрибага алоҳида эътибор қаратилган. 208 педагог ўз тумани ва шаҳрида биринчи ўринни эгаллади. Уларнинг ҳар бирига 616 миллион сўмдан пул мукофоти берилди. Ўқитувчининг касбий маҳоратига бундай эътибор, албатта, таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз шу йил 30 сентябрь куни “Янги Ўзбекистон” университетига ташриф буюриб, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва келгусидаги режаларга бағишланган кўргазма билан танишди. Таълимнинг узвийлигини таъминлаш борасидаги ишлар, эришилган натижалар ва келгуси режалар тақдимотини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар билан учрашиб, уларнинг таклифлари ва ташаббусларини тинглади.

Учрашувда қайд этилганидек, бугун олий таълимдаги ўзгаришлар кўлами анча кенг. Хусусан, қабул квотаси кўпайгани ва хусусий секторга катта эътибор қаратилиши туфайли бугун талабалар сони 1 миллион 600 мингга етди. Еттита олийгоҳ 17 та фан бўйича нуфузли халқаро рейтингларга кирди. Университетларга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилди.

Энди битирув ишлари ва диссертациялар амалий муаммолар ечимига йўналтирилади. Профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар иштирокида креатив клублар тузилиб, хусусий сектор эҳтиёжига мос илмий ишланмалар кўпайтирилади. Олийгоҳлар халқаро тан олинадиган, илғор стандартларга асосланган миллий таълим дастурларини ишлаб чиқишга ўтади.

Дуал таълим янгича ёндашув асосида йўлга қўйилади. Келаси йилдан “корхона — олийгоҳ — мақсадли кадр” тизими 75 та олий таълим муассасасида, 2028 йилдан барча олийгоҳда амал қилади.

Иш берувчи ўзига керакли номзодни ўқитиш бўйича ОТМга буюртма беради. Номзод тестсиз, суҳбат асосида қабул қилинади. Ишга олинган талабага тўланган маошнинг ярмини давлат қоплайди.

Корхона томонидан бириктирилган устозга ОТМ педагоглар ойлигига тенг миқдорда қўшимча ҳақ тўлайди. Корхона олийгоҳ ёки талаба ўзлаштиргани ҳақида ҳар ойда ахборот беради. Ўқиш ва ишда яхши натижа кўрсатган талабалар иккинчи курсдан давлат грантига ўтади.

Энди олийгоҳлар халқаро тан олинадиган, илғор стандартларга асосланган миллий таълим дастурларини ишлаб чиқади. Мақсад хорижий стандартларни миллий таълим мазмуни билан уйғунлаштириб, талабани жаҳонда тан олинадиган андозага мувофиқ тайёрлашдир.

Қисқаси, энг муҳим ўзгариш таълимга муносабатда юз берди. Бугун таълим мамлакат тараққиётининг пойдевори, педагог эса эртанги кун тақдирига бевосита боғлиқ инсон сифатида эътироф этилмоқда.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 10 октябрь, 210-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Эркин Воҳидов таваллудининг 90 йиллигига

Мустақиллик ҳар доим ҳам байроқ кўтарилган ёки ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан бошланмайди. Баъзан у анча аввал — миллат ўз тарихини қайта эслаган, ўз номини ғурур билан айтган ва келажагини ўз иродаси билан тасаввур қила бошлаган паллада туғилади. Сиёсий истиқлол давлатга ҳуқуқий эркинлик берса, маънавий истиқлол инсонни қарам тафаккурдан халос этади.



Истиқлол тоқига ҚЎЙИЛГАН НАРВОН



Рустам МИРВОҲИД,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
шоир

Устоз Эркин Воҳидовнинг 1968 йилда ёзилган “Ўзбегим” қасидаси ана шундай маънавий уйғонишнинг баланд пардаси эди. Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлганда шоир ўзбек номини қадимги тамаддун, илм-фан, шеърият, давлатчилик ва озодлик учун кураш билан бир қаторга қўйди. Биз, шогирдлари учун бу қасида фақат адабий матн эмас, устоздан қолган миллий ғурур ва фуқаролик масъулияти сабоғидир.

Қасидани туғдирган ҳамият

Эркин Воҳидов бизга айтиб берган хотирага кўра, қасиданинг туғилиши бир қарашда кичик, моҳиятан эса оғриқли воқеадан бошланган. Болалигидан аниқ фанлар, айниқса, фалакиётга қизиққан шоир 1966-1967 йилларда Москвадаги обсерваториялардан бирига киради. Деворда Коперник, Кеплер ва Галилей сингари жаҳон фалакиётининг бошқа буюк намояндалари саф тортиб турар, аммо 1018 та юлдуз жойлашувини жадвалга битган Мирзо Улуғбекнинг сурати йўқ эди. Шоир буни музейчилик нуқсони эмас, миллат тарихини умумбашарий хотирадан четлатган мафкуранинг “қилмиши” деб ҳис қилади. Шу бўш жой унинг ҳамиятига тегиб, элу юртнинг шонли ўтмишини таранnум этадиган асар ёзиш истагини уйғотади.

Қасидага ном ва оҳангни эса Алишер Навоий берди. Ҳазрат девонидаги бир байт шоирнинг бутун ўй-хаёлини банд этди:

Менга шоҳлар хилъати не,
эл томошо қилгали —
Ўзбаким бошида қалпоқ,
эгнида ширдоғи бас.

Навоийдаги “ўзбаким” XX аср шоири тафаккурида “ўзбегим” радифига айланди. Шу тариқа Москвадаги камситиш оғриғи билан Навоийдан келган миллий садо туташди, қарийб бир йил ёзилган қасиданинг маънавий ўзаги шаклланди.

Демак, “Ўзбегим” бир лаҳзалик илҳомдан туғилган фахрия эмас.

У кўрилган камситиш, англанган тарих ва Навоийдан олинган маънавий мададнинг синтези эди. Улуғбек суратининг деворда йўқлиги қасидадаги “осмонга қўйилган нарвон”га, Навоийнинг “ўзбаким”и эса бутун асарни бирлаштирган радифга айланди.

Пинҳон тарих ва икки Ренессанс

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон,
ўзбегим...

Биринчи мисрадаги энг оғир маъно “минг асрлар”дагина эмас, “пинҳон” сўзидадир. Шоир халқнинг тарихи йўқлигини эмас, ҳақиқати яширилганини айтади. Помир ва оқсоч Тиёншон, Афросиёб ва Ўрхун хати гувоҳликка чақирилади, “ўзбегим” радифи эса тарқоқ даврларни ягона миллий тақдирга боғлайди.

Қасидадаги тарихий номлар қуруқ саноқ ёки безак эмас: ҳар бири миллий хотиранинг узилган ҳалқасини қайта улайдиган далилдир. Радифнинг ҳар бандда қайтиши эса этник мансубликни билдирувчи сўзни қадр-қиммат, тарихий хотира ва маънавий бирлик формуласига айлантиради.

Эркин Воҳидов миллат улуғворлигини ҳудуд забти билан эмас, инсоният тафаккурига қўшган маърифати билан ўлчайди. Хоразмий алгоритм ва аниқ тафаккурни, Беруний қомусий билимни, Форобий фалсафа ва комил жамият ғоясини ифода этиб, Биринчи Шарқ Ренессансининг маънавий насабномасини тузади. Иккинчи Ренессанс эса Улуғбек ва Навоий тимсолларида юксалади:

Туздию Мирзо Улуғбек Кўрагоний
жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк қўйди
нарвон, ўзбегим.
Мир Алишер наърасига
акс садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
шоҳу султон, ўзбегим.

Москва обсерваториясидаги алам биринчи байтда бадиий адолатга айланади: деворда йўқ сиймо қасидада осмонга нарвон қўйган аллома бўлиб қад ростлайди. Улуғбек миллат тафаккурини коинотга кўтарган бўлса, Навоий унинг тилини жаҳон минбарига олиб чиққани шоирнинг фавқулодда метафоралари орқали алоҳида уруғланади.

Тарих жароҳати ва эрксевар қон

“Ўзбегим”дек қасидалар фақат шонли ўтмиш мадҳиясидан иборат эмас. Шоир шамшир ўйнатиб ўтган хоқону султонларни, қурбон умрлар, таланган мулк ва вайрон юртни ҳам яширмайди:

Ўтдилар шўрлик бошингдан
ўйнатиб шамширларин,
Неча хоқон, неча султон,
неча минг хон, ўзбегим.
Ёгди тўрт ёндин асрлар
бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
юрти вайрон, ўзбегим.

Уч минг йиллик давлатчилик мезонидаги шартли ҳисобга кўра, ташқи ҳукмронлик ва сиёсий қарамлик даврлари жами қарийб 860 йилни ташкил этади: Эрон салтанатлари — 200, Александр Македонский истилоси ва оқибатлари — 180, араблар ҳукмронлиги — 200, мўғуллар истилоси — 150, Россия империяси ва совет тузумига қарамлик — 130 йил. Бу босқичлар ҳудудий қамрови ва хусусияти билан фарқ қилса-да, “умри қурбон”, “мулки торож”, “юрти вайрон” ифодаларининг тарихий заминини кўрсатади.

Бироқ ўзбек халқи қасидада фақат ожиз қурбон сифатида тасвирланмайди. Кўрган мислсиз жабрлари ортидан Шоҳ Машрабдек исён кўтаради:

Давр зулмига ва лекин бир умр
бош эгмадинг,
Сен — Муқанна, сарбадор — сен,
эрксевар қон, ўзбегим.

Муқанна ва сарбадорлар халқ вужудида асрлар давомида оққан эрксеварлик қонининг рамзига айланади. 1968 йил шароитида “давр зулми”, “бош эгмаслик” ва “эрксевар қон”ни бир бандда бирлаштириш очиқ сиёсий баёнот эмас эди, аммо замондош ўқувчи қалбида қарамлик ва озодлик ҳақидаги саволни муқаррар уйғотар эди.


“Давр зулми” деган ифода, айниқса, теран: у зулмни битта ҳукмдор ё босқинчидан кенгроқ, бутун тарихий-сиёсий тизим даражасига кўтаради. “Бир умр бош эгмадинг” эса халқ жисман мағлуб этилиши мумкинлигини, аммо унинг маънавий иродасини батамом бўйсундириб бўлмаслигини англатади. Тарихий жабр шу тариқа ожизлик хулосаси эмас, тобланган ирода манбаига айланади.

Илк тақдимотда сукутни ёрган олқиш

Қасида битгач, устоз уни ҳали ҳеч қаерда ўқимаган эди. 1968 йилларда Ёзувчилар уюшмасидаги “Бир шеър кечаси”да қоида қатъий эди: шоир битта шеър ўқийди — олқиш олсагина давом этади, акс ҳолда минбардан тушади. Эркин Воҳидов минг ҳаяжон билан “Ўзбегим”ни ўқийди. “Ўқияпман, ўқияпман... давра сув қуйгандек жим. Ўқиб ҳам бўлдим. Сукунат...”, дея хотирлаган эди устоз.

Бу бефарқлик эмас, сўзнинг қудрати ва уни очиқ олқишлаш хавфини бирдек ҳис қилган сукут эди. Шунда энг орқа қатордаги бир инсон тик туриб қарсак чалади.





Якка олқиш сукут деворини ёради: бутун зал оёққа қалқиб, қарийб беш дақиқа қарсак чалади. Кейинги навбатдаги Абдулла Орипов минбарга чиқиб: “Бугун мен шеър ўқимайман. Рухсат берсангизлар, Эркин ака “Ўзбегим”ни яна бир марта ўқиб берсалар”, дейди. Қасида қайта ўқилади, қўлёзма қўлма-қўл кўчирилади. Шу куни асар муаллиф мулкидан халқ маънавий мулкига айланди.

Бир кишининг тик туриши бутун давранинг қалбидаги туйғуни ҳаракатга келтирди. Олқиш энди шеърнинг бадиий қимматига берилган баҳо эмас, халқнинг ўз номи ва тарихини баралла эшитиш эҳтиёжининг ифодаси эди. Абдулла Ориповнинг ўз навбатидан кечиши эса буюк истеъдоднинг буюк истеъдод олдидаги самимий эътирофи бўлганди.

“Лек”ка жо бўлган жасорат

Қасида матбуотда эълон қилингач, Марказқўмнинг масъул ходимларидан бири шоирни чақириб, асарда Ленин, инқилоб, рус халқи, Москва ва Кремлнинг “халқимизга таъсири” айтилмаганини танбеҳ қилади, шу мавзуларни киритишни, қофияни эса шоирнинг ўзи топишини талаб этади. Бу таҳрир эмас, қасиданинг бош қаҳрамони халқнинг ўзи эканига дахл қилиш эди.

Менга Пушкин бир жаҳону
менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
кўксим осмон, ўзбегим.

Мутасадди “лек” зидлов боғловчисини “ҳам” боғловчисига алмаштиришни таклиф этади. Устоз бу таклифга “Кечирасиз, қасиданинг бутун кучи шу “лек” сўзига жо қилинган”, дея қатъий жавоб беради. Яъни “ҳам” Навоийни Пушкин ва Байрон билан бир қаторга тизар эди, “лек” эса уларнинг буюклигини инкор этмай, Навоийнинг лирик қаҳрамон учун бобо, миллий хотира ва маънавий илдиз сифатида мутлақо бошқа мақомини белгиларди. Шоир бир боғловчини эмас, халқнинг ўз тарихига мустақил баҳо бериш ҳуқуқини ҳимоя қилди.

Бу ерда жаҳон адабиёти миллий адабиётга қарши қўйилмайди. “Менга Пушкин бир жаҳон”, “менга Байрон бир жаҳон” — умумбашарий маданиятга эҳтиром, “лек Навоийдек бобом бор” — ўз маънавий қибласини англашдир. Воҳидов маҳоратини қарангки, биргина зидлов боғловчисига мустабид мафкура билан миллий ўзлик ўртасидаги катта тарихий зиддият сиғдирилган.

“Ўзбегим” “Гулистон” журналида босилгач, хотираларда қайд этилишича, таҳририят фаолиятига чек қўйилди, журнал вақтинча ёпилади, Эркин Воҳидовнинг давлат ишида ишлашига тўсиқ қўйилади ва шоир қарийб беш йил ишсиз қолади. Ўша кезларда Абдулла Орипов ҳам “Тилла балиқча” ва “Биринчи муҳаббатим” шеърлари учун тазйиққа учрайди. Асарни тўхтатиш қийин бўлгач, муаллифларни ижтимоий жиҳатдан яккалашга уринилган эди.

Шоирни асраган тунги қўнғироқ

Шароф Рашидовнинг рафиқаси Хурсаной ая Рашидованинг 1991 йил “Саодат” журналида чиққан “Тунги қўнғироқ” суҳбати босимнинг жиддийлигини кўрсатади. Унинг гувоҳлигича кўра, республика Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси кечаси Шароф Рашидовга қўнғироқ қилиб, Эркин Воҳидовни “тергов қилиш” учун шошилинч рухсат талаб қилади. Шунда Рашидов “Қўйинг, Эркин Воҳидовни сиздан кўра яхшироқ биламиз. Тегманг, шоирни безовта қилманг”, деб талабни рад этади. Бу архив ҳужжати эмас, Хурсаной Рашидованинг гувоҳлиги, аммо унинг маъноси улкан: республика раҳбари бир ижодкор билан бирга эндигина уйғонаётган миллий хотирани ҳам қақшатқич зарбадан асради.

Тазйиққа қарши адабий вазифа

Шароф Рашидов ҳимояни бир рад жавоби билан чекламайди. Эркин Воҳидов хотирлашича, у икки шоирни чақириб, халқ олқишига сазовор оташин шеърларини эътироф этади ва айни ижодий камол палласида кучларини жаҳон адабиёти дурдоналарига сафарбар этишни таклиф қилади: Эркин Воҳидовга Гётенинг “Фауст”ини, Абдулла Ориповга Дантенинг “Илоҳий комедия”сини таржима қилиш вазифасини беради, шунингдек, сара шеърларини Москвада чоп эттиришга ваъда қилади. Бу таъқиб ва ишсизликдан синиб қолмаслик учун икки истеъдодни улкан ижодий мақсад билан банд этиш сиёсати эди.

Қабулхонадаги яна бир ижодкор бу суҳбатдан хабар топиб, ўз шеърларини ҳам улар қатори Москвада чиқаришни сўрайди ва розилик олади. Буни эшитган Воҳидов агар ўша асарлар билан бир нашрда чиқса, ўз шеърлари босилмаганини маъқул кўришини айтади, Орипов ҳам сафдошини қўллайди. Оқибатда икки даҳонинг тўпламлари чиқмай, учинчи ижодкорнинг китоби Москвада босилади. Аслида, бу рад этиш асло кибр эмас, адабий мезон ва ўз ижодий қадрини арзонлаштирмаслик шарти эди.

Арслон ва қумурсқалар зарбулмасали

Орадан йиллар ўтиб, 1982 йилда Абдулла Орипов воқеани Эркин Воҳидовга бағишланган “Арслон чорлаганда...” шеърида рамзга айлантирди:

Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.
Жами тирикликка таниш бу хатар,
Қумурсқа яралган ёппа таларга.
Дўстим, алам қилар, арслон бехабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.

Устоз Эркин Воҳидовнинг жавобида рамзлар доираси яна кенгайди:

Биламан, азизим, менга ҳам аён,
Қумурсқа зотининг надир ташвиши.
Арслоннинг бошида лек ўзга хаёл,
Қумурсқалар билан қанчалик иши?!
Улар еб битирса бизни беомон,
Билмам, ким ғам чекар,
ким бўлар мамнун.
Лекин қарсак чалиб, кулар у замон,
Арслоннинг ёнида ўтирган маймун.

“Арслон” — катта давлат ва миллат ташвиши билан банд раҳбар, “қумурсқалар” — истеъдодни майда манфаат ва ҳасад билан емирадиган муҳит, “маймун” эса бу емирилишдан манфаатдор сохта садоқат тимсолидир. Икки шеър шахсий хафагарчилик эмас, истеъдод ва муҳит, катта ният ва амалдорлик ўртасидаги зиддият ҳақидаги зарбулмасал бўлиб қолди.

Шароф Рашидовнинг тутуми ҳам шу рамзий манзарада аниқроқ кўринади: у икки шоирни шунчаки машҳур ижодкор эмас, миллатнинг келажак маънавий тафаккурини белгилайдиган сиймолар сифатида англаган. Тунги қўнғироқдаги ҳимоя ва кейинги катта таржима вазифалари ўзбек адабиётининг икки буюк йўлини асрашга хизмат қилди.

Китобдан олдин халққа кирган қасида

Шерали Жўраев хотирасига кўра, 1968 йилда иккинчи курс талабаси бўлган хонанда Эркин Воҳидов маҳалласидаги тўйда шоирнинг шифокор қўшнисидан ҳали матбуотда чиқмаган қасидани эшитади. Аввал нусха беришга чўчиган суҳбатдош кейин матнни тўй столидаги сариқ қоғозга кўчириб беради. Шерали Жўраев талабалар шаҳарчасига қайтиб, рубоб топади, шеърни бир кечада ёдлайди ва тонггача куй басталайди. Уч-тўрт кундан сўнг Чиғатой қабристони ортидаги хонадонлардан бирида “Тарихингдиир” деб энг баланд пардадан бошланган илк ижро даврани жим қилади, қўшиқ тугаганда эса ҳовли ҳайқириққа тўлади.

Бу саҳна асарнинг кейинги тақдирини рамзий ифодалайди. Аввалига эшитишга тайёр бўлмаган давра биринчи нидодан кейин сукутга чўмади. Чунки “Тарихингдир” қўшиқнинг бошланишигина эмас, тарихидан узоқлаштирилган халққа қаратилган маънавий бонг эди. Шу тариқа қасида китоб саҳифасига кирмасидан аввал халқ қалбига кирди.

Истиқлолгача бўлган йигирма уч йил

“Ўзбегим” 1968 йилда ёзилди, Ўзбекистон 1991 йилда давлат мустақиллигига эришди — ўртада йигирма уч йил. Бир шеърни истиқлолнинг бевосита сиёсий сабаби дейиш тўғри эмас, аммо сиёсий ўзгариш маънавий заминсиз содир бўлмайди. Атоқли аллома Омонулла Мадаевнинг гувоҳлигича, мактаб ўқувчилари ва талабалар қасидани тўлиқ ёд олган, учрашувларда ўқиган, Афросиёб, Ўрхун-Энасой битиклари, Муқанна, сарбадорлар, Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат ва Муқимий ҳаёти ва ижодига қизиқиш кучайган. Шеър ҳиссиётдан билимга, билимдан ўзликни англашга етаклаган.

Шу маънода, “Ўзбегим” яширин сиёсий дастур эмас, миллий онгнинг шеърий дастури эди. У халқни аввал майдонга эмас, ўз қалби ва тарихига қайтарди. Аммо ўзини англаган инсон аввалгидек қарам бўлиб қололмайди.

Таъкидлаш жоизки, қасида шеър ва қўшиқ ҳолида авлодлар хотирасида яшаб, истиқлол учун зарур бўлган энг муҳим шартни — миллатнинг ўз кучига ишончини мустаҳкамлади. У сиёсий шиор бермади, лекин сиёсий мустақилликни қабул қила оладиган маънавий инсонни тарбиялашга хизмат қилди.

Мустақил давлат ва янги Ўзбекистон эътирофи

Мустақилликдан сўнг Эркин Воҳидовнинг шеърият, драматургия, таржима, публицистика ва жамоат ҳаётидаги хизматлари давлат миқёсида баҳоланди: 1999 йил 25 августда унга мамлакатнинг олий унвони — “Ўзбекистон Қаҳрамони” берилди. Буни фақат “Ўзбегим” учун мукофот деб торайтириб бўлмайди, лекин қасида шоирнинг ижодий ва фуқаролик қиёфасини ифодалаган рамзий асар бўлиб қолди. Халқ уни давлатдан анча аввал қалбида эътироф этган эди.

Янги Ўзбекистон даврида хотира тирик таълим ва тарбия кучига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 июнда Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги боғни реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишиб, майдонни 9 гектардан 16 гектарга кенгайтириш, ижодкорлар хиёбони ва шоир ҳайкалини барпо этиш, масканни ёшлар маънавиятига хизмат қилдириш вазифасини белгилади. 2018 йил 14 майдаги қарор асосида Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ташкил этилди, 2018 йил июнь ойида Ижодкорлар боғида мемориал музей очилди.

Учинчи Ренессансга қўйилган маънавий нарвон

“Ўзбегим” миллатга тайёр озодлик бермади, унга озодликни истайдиган қалб, ўз қадрини англайдиган шуур ва ўтмишдан келажакка қарайдиган нигоҳ берди. Асарга мафкуравий сўзлар қўшиш талаб қилинди — шоир ички ҳақиқатни сақлади. Тазйиқ кучайди — Шароф Рашидов уни кескин таъқибдан асради. Расмий йўллар чекланди — халқ қасидани давраларда куйлади. 1991 йилда давлат мустақил бўлди, бироқ қасидада миллий қалб истиқлолдан йигирма уч йил аввал ўзини озод ҳис қила бошлаган эди.

Эркин Воҳидов Биринчи ва Иккинчи Ренессанс сиймоларини XX аср ўзбек ўқувчисининг маънавий дунёсига қайтариб, Учинчи Ренессанс ғоясининг заминини тайёрлаган ижодкорлардан биридир. Аммо Ренессанс ўтмиш билан фахрланишнинг янги шакли бўлиб қолмаслиги керак: Беруний билан мақтаниб, кашфиёт қилмасак, Хоразмийни улуғлаб, замонавий илмни эгалламасак, Навоийни буюк деб, она тили тақдирига бефарқ бўлсак, тарихий фахр тасаллидан нарига ўтмайди.

Устоз Ренессанснинг тайёр натижасини эмас, уни яратишга қодир инсон қиёфасини берди: тарихини биладиган, она тилини севадиган, жаҳон маданиятига очиқ, аммо ҳеч ким олдида ўзини кам ҳис қилмайдиган инсонни. Биз, сонсиз мухлислари учун “Ўзбегим”нинг улуғ сабоғи ҳам шу — мерос билан фахрланиш баробарида унга муносиб бўлиш масъулияти. Мирзо Улуғбек қасидада сирли осмон тоқига нарвон қўйган эди, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”и эса тарихий хотира билан келажак тафаккурини боғлаб, истиқлол тоқи орқали Учинчи Ренессанс сари қўйилган маънавий нарвон бўлиб қолди. Энди шу нарвондан кўтарилиш ўзлигини англаган, илмга таянган ва озод фикрлайдиган авлоднинг вазифасидир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:30 Топширилди — 00:35